O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI MILLIY PALATASI INV.№

Миллий Тикланиш

Ўзбекистон Миллий тикланиш демократик партиясининг ҳафталик газетаси | 2000 йил, 8 август | 11 (228)- сон

МУАЛЛАҚ ҚОЛМАГАЙ

Бир замонлар ишқ ҳамда тирикликнинг кимёсини кўп қидирган, ажиб шўх, ўйноқи лаҳжали шеърлар ёзган гўзал шоиримиз Саккокий Улуғбекка бағишлаб яратган улуғ унли қасидасида чунончи шундай сатрларни айтган эди:

Бу кундин сўнгра кўп тингай
раиятлар риоятдин
Улус ҳаққида минг турла атодин
меҳрибон келди...
Кўнгуллар бўлди хуш равшан кўруб
қолмади бир зарра
Қоронғулуқ кетиб ҳоли чу хуршеди
замон келди...

Президент Ислом Каримовнинг миллий ғоя ҳамда миллий мафкура ҳақидаги қизғин суҳбатларидан сўнг улардан орттириб сўз айтиш қийин. Айтилган сўзлар, илгари сурилган ғоялар ҳар қандай бир мамлакатнинг эндиги тақдири учун узоқ йилларга етади, тўла кифоя қилади. Биздан бу сўзлар ва ғояларни юракнинг моторига жойлаб, уларга энг яхши маънода амал этмоқ, онгларга сингдирмоқ лозим. Боз устига бу ғоялар кеча ё бугун, шу лаҳзада дунёга келган эмас. Улар Президент хаёлида истиқлол билан бирга туғилиб, мана, яқин ўн йилдан бери ҳаётнинг турли осон-мушкул жабҳаларида сайқалланмоқда, фикрларнинг чин-чин эмаслиги озод турмуш қурилиши синовларидан ўтмоқда. Истиқлол мафкураси худди тириклик нафаси каби дам-бадам ҳаётимизга кириб келмоқда.

Замон шарҳлари

Саккокий замонларида раият деб халқ ва фуқароларни тушунар эдилар. «Риоят» — сақланиш деганидир. Халқнинг тинчлиги, хавфсизлиги, эминлиги, эркин фаровонликка интилиши, унга қадам-бақадам етиши, ҳимояси, муҳофазаси — ҳаммаси ана шу риоят тушунчаси ичида тўла мавжуд. Халқнинг риояти, яъни сақланганлиги, хавфсизлиги, унинг замон бўрилари ва даррандаларидан ҳимояланганлиги бу — улуғ ғоя — Улуғбек мамлакат тепасига келганда яна тирилган, эл-юртнинг осмонида умид-ёруғлик билан яна кўтарилган эди. Саккокий яна «қоронғулик кетиб...» деган тушунчага урғу бераётганига эътибор қилинг. Раиятнинг тиниши, риоят топиши нотинчлиқ, қоронғуликлар, хавф-хатарларнинг барҳам топиши билан чамбарчас боғлиқ. Қоронғулик кетганда, халқ кўнгли равшан тортади. Миллий ғоя сифатида халқ учун бундан ортиқ бир нарса йўқ. Ҳар қандай олижаноб интилишлар худди шу ерда қарор топади. Тикланиш, тирилиш, тараққиётнинг ҳам тугал мазмуни ва маъноси шунда.

Президент Каримов бошиданоқ мустақил Ўзбекистон мамлакатида халқнинг сақланиши, тикланиши, миллий шаънушукуҳига эга бўлиши, тинчлиги, фаровонлигини бош миллий ғоя сифатида илгари сурмоқда ва бу ғояни бир зум оғишмай миллий сиёсат даражасига кўтариб, шу йўлда ўзи ҳам ишлаб, халқни ҳам иш-ҳаракатга ундаб келмоқда. Муболаға эмасдир: ҳеч ким XX аср охирида дунёда миллий ғоя, мустақилликнинг миллий мафкураси ҳақида бунчалар кўп изчил, ҳар томонлама қайғурмаган бўлса керак.

Ҳамма нарсадан миллий мафкура қидириш ва ҳамма нарсаларни миллий мафкурага бўйсундиришга уриниш тўғри бўлмаса керак. Миллий мафкура деворларга елим билан ёпиштириб кетиладиган қоғоз парчалари эмас. У бир кунда яратилмайди ва бир кунгина амал қилинмайди. Миллий мафкура бизнинг яшаш ва интилиш, орзу-умидларимизга етиш, ета олиш, шунинг учун курашиш ва кураша олиш тарзимиздир. Ҳа, миллий мафкура бизнинг яшаш тарзимиздир. Бизнинг яшашга нечоғлик қобиллигимиз ва қодирлигимиздир.

Ҳеч кимга сир эмас: иқтисод ва бозорнинг ўз шиддатли, ўта қатъиятли қонуниятлари бор. Улардан кўз юмиш, инкор қилиш телбаликдан ўзга нарса деб баҳоланмайди. Иқтисод қонуниятларининг риоя қилиши кимнингдир иродасига боғлиқ эмас. Жаҳон иқтисоди ва маданиятида интеграция ҳам шундай масала. Биз ҳар қандай ҳолда ҳам жаҳон иқтисодига интеграциядан сақланиб, бир чекада қўл қовуштириб туролмаймиз. Лекин жаҳон интеграциясига, глобализация жараёнларига биз ўз миллий мафкурамиз, яшовчан, ҳаётий ғояларимиз ва энг муҳими, ўз маънавиятимиз билан кириб борсак, марра бизники! Ана унда биз интеграция қули бўлмаймиз. Ана унда интеграция — бизнинг мулкимиз бўлади. Ана унда бутун ер юзини биз ўз оиламиз деб ҳис қиламиз. Шу ягона оила туйғуси билан яшашга ўрганамиз. Ахлоқимиз, динимизни сақлаган ҳолда ўзга алоқлар, ўзга турли динлар билан чиқишамиз, ҳамкорлик, ҳамдастлик қилишга ўрганамиз. Ориш-жанжалларни давлат сиёсати даражасига кўтарган тўдалар, экстремистик гуруҳлар олдида ўзимизни енгилмас эканлигимизни кўрсатамиз. XXI аср арафасида турли варақалар тарқатиб юриш ўта бачканалик эканлигини англаймиз. Кучинг бўлса, Ватан учун, мамлакат учун, миллат учун ишла! Раиятни тиндир! Кучинг бўлса, ранг-баранг технологияларни олиб кел! Барча ёшларнинг уларни тўла, аъло эгаллаб олишларига хизмат қил! Гўзал босмаконалар олиб кир! Гўзал нашрлар чиқар! Раиятни тиндир! — шу бизнинг амалимиз, ишимиз.

МУСТАҚИЛЛИК НИМАЛИГИНИ ҚАЛБИМДАН ЎТКАЗМАСАМ, МУСТАҚИЛЛИК ҲАҚИДА ЁЗИШГА ҲАҚҚИМ ЙЎҚ!

Бу Президентимизнинг миллий ғоя ҳақидаги суҳбатларда айтган сўзларидан бири.

САЁЗ, БОЛАЛАРНИ ЁНДИРМАЙДИГАН, ҚИЗИҚТИРМАЙДИГАН АСАРЛАР БИЛАН БОЛАЛАРНИ МАЙИБ ҚИЛИБ ҚЎЯМИЗ.

Бу ҳам ўша суҳбатларда дафтаримда қолган сўзлардан.

Бундай сўзлар айтилаётганда лоқайд, беқайд ўтириб бўлмайди, қараб туриб бўлмайди. Булар ҳаммаси халқ ичида бу янги замонда ўқиш, амал, эътиқод билан бўлади. Нега сиз ўзингиз асл миллий ғоянгиз миллий тикланиш бўла туриб, миллий тикланишдан четда турасиз? Тўғрироғи, четда турмоқчи бўласиз? Ахир бу бировнинг ғояси эмас-ку! Ахир бу истилочининг четдан олиб келган, сизни қул қиладиган ғояси эмас-ку! Бу ўз бағримиздан етилган ва илк бора мамлакат Президенти томонидан ифодаланган ўз ғоямиз-ку!

Назаримда миллий мафкурамиз ва маънавиятимиз изчил кучайиб борсин десак, биринчи навбатда аҳоли бўш қолмасин ва ҳар қандай ҳолда ўз меҳнатининг самарасини кўрсин.

Аҳоли бўш қолмасин ва замон руҳида, жаҳон интеграцияси руҳида тарбиялансин десак, аҳолининг барча қатламларини ўқиш — таълим билан қамраб олайлик.

ЎҚИШЛАР:
— маънавий ўқишлар бўлсин
— маданий ўқишлар
— мафкуравий-сиёсий
— иқтисодий
— ҳуқуқий
— социологик

бўлсин! Уларнинг ҳаммасида аҳолининг билими, малакаси, касбий таълимини муттасил кўтариб боришга энг асосий диққат-эътиборни қаратиш зарур бўлади. Корхоналар, муассасалар, давлат ва нодавлат ташкилотларида барча меҳнатга яроқли одамларни бир ҳафталик, уч ойлик, ойлик, йиллик ўқишларга, таълим курсларига тортишнинг амалий дастурларини яратиш — миллий ғоя руҳида тарбиялашнинг энг таъсирли йўли, ишончли усулидир. Бунда динга сиёсий куч ва қурол сифатида эмас, балки соф маънавий-ахлоқий қарашларни тарбияловчи куч каби қараш алоҳида аҳамият касб этади. Дин дилда яшасин. «Дил баёру даст бакор» шиори Қуръонимизнинг жавҳарий маъноси-мазмунини ифодалайди. Одамлар бу олтин сўзларни таржима қилиб юришади. Бу жавҳарни таржима қилиш шарт эмас. Унинг маъносини билмаган ўзбекистонлик йўқ, ўзбек йўқ. Уни қандай айтилган бўлса, шундай қабул қилайлик. Шундай амал қилайлик. Бу — бугун ҳам миллий мафкурамизнинг умрови. Бунда дунёвийлик, илоҳийлик, динийлик, инсонийлик ажиб бир тарзда бирлашиб, туташиб ётади. Одам шундай ғоя ватандошларимиз қалбидан чиққанлиги билан фахрланиб кетади.

Миллий мафкура соҳаларида бугун ўз катта йўлимиз бор. Бу бизни фақат ўз ичимизгагина олиб бормай, балки бизни дунёга ҳам ишонч билан олиб чиқади ва қатордан ўз ўрнимизни эгаллашга хизмат қилади. Бу йўл Президент Ислом Каримовнинг кўп йиллик изланишларида, улуғ сиёсий ҳаёт тажрибаларида туғилди.

Эндиги вазифа — миллий ғояларимизнинг ҳаётий мазмунини очиб бериш ва энг муҳими, миллий ғояларимизнинг жозибасини кўрсатиш!

Миллий ғояларимизнинг мафтункор кучи нимада?

Бу саволга жавоб бериш учун ҳаммамиз ўз қалбимизга қарайлик.

Унда нималар зуҳурланяпти?

Ишончим комил: бу миллий савол осмонда муаллақ қолмагай.

Иброҳим ҒАФУРОВ

ИСТИҚЛОЛДАН ОЙДИН ЧЕҲРАЛАР

Пахтаободлик деҳқон аёллар

(Чапдан ўнгга) Марваридхон Раҳмонова, Ҳалимахон Эргашева, Моҳигул Жумабоева, Маликахон Халилова.

Илм ва ёшлар

УЙҒОНИШ

Нега иморатнинг пойдеворига алоҳида эътибор қаратилади, деб истаган кишига мурожаат қилсангиз, «Шу ҳам савол бўлди-ю» дегандай ажабланиши табиий. Аммо негадир биз ёшларнинг ақли ўз маънавий пойдеворимизни мустаҳкамлашга келганда баъзан «камтарлик» қилади, ўрнини бўш-саёз имкониятларга бўшатади нега шундай?

Бу 130 йиллик мудҳиш сиёсатнинг асорати, илмга меҳрсизликнинг далолати эмасми?

Дарҳақиқат, миллатнинг фидойи фарзандларини йўқ қилишни олдига мақсад қилиб олган маккор тузум йўлбошчилари учун бундан қулай йўл йўқ эди. Мана 9 йилдирки, қуёшнинг тафтида уйғонаётган майсадек, ёшларимизда илмга муҳаббат туғилмоқда. Кексаларимизнинг «ёшликда билганинг тошга битганинг» деган нақли уларни ҳар қадамда огоҳ этиб турибди.

Айниқса, бундай хайрли ишларнинг бошида Президентимизнинг ҳар томонлама мадад бериб турганлиги қувонарлидир. Куни кеча халқ депутатлари Қашқадарё вилоят кенгаши навбатдан ташқари сессиясида ёки бироз илгарироқ Вазирлар Маҳкамасининг 2000 йил биринчи ярмида иқтисодий ислоҳотларнинг боришига бағишланган мажлисида ёшлар таълим тарбияси масалаларининг юқори ўринларга кўтарилиши Ўзбекистон келажаги буюк давлат бўлишига янада мустаҳкам замин яратади.

Юртбошимизнинг қуйидаги сўзлари бизни яна бир бор маънавий сергакликка чорлайди: «Албатта, инсон тақдирини, барчамизнинг тақдиримизни Оллоҳ таоло ҳал қилади. Лекин биз давлат раҳбарлари бўлиб, масъул шахслар, аввалombор, ота-оналар бўлиб, болаларимизнинг келажаги, тақдирини ўз ҳолига ташлаб қўйишсак уларга нисбатан ҳиёнат қилган бўламиз».

Зеро, Мирзо Улуғбек ва Али Қушчи каби буюк олимлар, Алишер Навоий ва Бобурдек улуғ мутафаккир шоирлар, Беҳзод каби оламшумул мусаввирлар жаҳон маданиятининг устунларидирки, бу сиймолар Амир Темур яратган тарихий муҳит фарзандларидир.

Шу маънода бугун Ислом Каримов ғамхўрлигида камол топаётган ёшларимиз, аждодлари изидан бориб, Ўзбекистон шуҳратини оламга таратишига ҳеч қандай шубҳа йўқ.

Шавкат АЛЛАНАЗАРОВ

ИМОМ БУХОРИЙ – УСТОЗЛАРНИНГ УСТОЗИ

2-3 бет

КИМ ҚОШУ КИМ КЎЗ?!

4-бет

Маънавият қадамлари

ЯХШИЛИК, ЭҲСОН ВА ОГОҲЛИККА ЧОРЛАГАН ЯНГИ НАШР

● «ИМОМ АЛ-БУХОРИЙ САБОҚЛАРИ» ЖУРНАЛИНИНГ ИЛК СОНИ БОСМАДАН ЧИҚДИ
● ЖУРНАЛ МУАССИСИ — ИМОМ АЛ-БУХОРИЙ ХАЛҚАРО ЖАМҒАРМАСИ

Мамлакатимиз раҳбари Ислом Каримовнинг 1999 йил 16 ноябрда чиққан Фармони асосида ташкил этилган Имом ал-Бухорий жамғармасининг олдига кенг маънода миллий маънавият, диний қадриятлар, исломий маданиятдан халқни хабардор этиш, Қуръони карим ва ҳадислар, улуғ алломаларимизнинг ислом дунёсидаги чуқур из қолдирган асарларини илмий-таҳлилий изоҳлар билан ҳозирги замон ўқувчиларига етказиш, маданий меросимизнинг энг ёрқин қирраларини тиклайдиган гўзал анжуманлар ва турли тадбирлар ўтказиш мақсади қўйилган эди. Қисқа бир вақт ичида жамғарма элимизга фойдали бир қатор тадбирларни хайрли тарзда амалга оширди. «Имом ал-Бухорий сабоқлари» журналининг чиқиши жамғарма фаолиятининг самараларидан бири.

Нашрнинг йўналиши маънавий-маърифий, илмий-адабий журнал деб белгиланган. Унинг бош муҳаррири Зоҳидилло Мунаввaров. Журналнинг таҳрир ҳайъатига кўзга кўринган олим ва уламолардан Абдулазиз Мансур, Абдурашид қори Баҳром, Фозилжон қори Собир, Бўрибой Аҳмедов, Неъматилла Иброҳимовлар киришганлар.

Журналнинг барча материаллари инсон ахлоқи, хулқи, маънавиятига чуқур таъсир кўрсатади. Асосий урғу Имом Бухорий тўплаган ва абадиятга тортиқ қолдирган ранг-баранг ҳадисларнинг талқинлари, тарихларига қаратилган. Диний маданият ва қадриятларни талқин ва таҳлил этишда бошданоқ журнал изчил, ишонарли илмий йўналиш олгани, исломий ҳодисаларни илмий тушунтиришга ҳаракат қилаётгани одамни қувонтиради. Албатта, илмда қувониш, ҳайратланиш, сиғиниш, топинишнинг ўзигина етарли эмас. Исломий ахлоқ, маънавият, маданиятни юракка жуда чуқур сингдириш, бу бебаҳо қадриятларнинг онгли, илмли, назарияли эгасига айланиш ҳам зарурдир. «Имом ал-Бухорий сабоқлари» журнали ўзининг барча саҳифаларида бизга худди мана шу мақсад билан ёрдамга келади. «Абадий барҳаёт китоб» (Аҳмаджон Ҳасанов), «Саҳиҳ ал-Бухорийнинг форсча шарҳи» (Маҳмуд Ҳасаний), «Мовароуннаҳрнинг буюк шайхлари» (Ориф Усмон), «Ислом ва соғлом авлод тарбияси» (Абдуғани Абдуллоҳ) ва шунингдек, Гулхумор Тўйчиева, Яъқуб Устун, Илёс Абдуқодиров, Анвар Ҳожиаҳмедов, Ҳабибуллоҳ Солиҳ, Маҳкам Маҳмудов, Шуҳрат Сирожиддинов, Зоҳиджон Исломов, Абдурашид қори Баҳромов, Анвар Каримовларнинг илмий мақолалари, суҳбатлари, тадқиқотлари, бадиаларида ўқувчини маънан бойитадиган, руҳан кўтарадиган ёндошувлар бор. Ҳадисларда одамнинг дунё ва ўзига ўхшаш одамлар билан жуда кўпқиррали муносабатлари, шу муносабатларнинг олтин меъёрлари акс этади. Улар дунёни билиш учун бизга берилган калитлардир. Кўзларимизга тутиёлардир. «Муминнинг нияти унинг амалидан яхшироқдир» деган ҳадис ва унинг гўзал шарҳларини ўқиганда ёки «Оллоҳ манъ қилган нарсалардан ҳижрат қилган одам муҳожирдир» деган маъно поёнлари ичига кирганда, ҳадислар бу — юксак илҳомий ҳолатларда айтилган мислсиз ва шу билан бирга ўта инсоний маърифат эканлигига ишонч ҳосил қиласиз. Журналнинг мақсади — деб ёзади унинг бош муҳаррири ўқувчиларга мурожаатида — «маънавиятимизнинг мустаҳкам илдизларидан бири бўлган асл диний қадриятларимиз билан халқимизни кенгроқ ва чуқурроқ таништириш, уларнинг кенг омма, айниқса, ёшларимиз томонидан соғлом идрок этилиши ишига ҳисса қўшишдир». Бу олижаноб мақсад журнал саҳифаларида қадам-бақадам кузатилган ва ўқувчи бу баҳрадор чашмани миннатдорлик билан қўлга олади деб умид қиламиз.

Иброҳим ҒАФУРОВ

АЖОЙИБ-ҒАРОЙИБ ИКИР-ФИКРЛАР

Отлар ва шоирларнинг қоринлари тўқ бўлгани маъқул, лекин жуда бурунларидан ҳам чиқиб кетмасин.
КАРЛ IX, француз қироли.

* * *

Санъаткор қанчалик улуғ бўлса, уни ҳимоя қиладиган орденлар ҳамда унвонларнинг шунчалик кўпроқ бўлишини истайди.
СТЕНДАЛ

* * *

Улуғ одамларнинг имтиёзли томонлари шундаки, улар фалокатларга балкондан қараб турадилар.

* * *

Қаҳрамон томошабинларсиз бўлмайди.
МАЛРО

Диққат, обуна!

МИЛЛИОНЛАРНИНГ БИРИ БЎЛИНГ!

Яқинда таҳририятимиз ходими Тошкент вилояти автоҳаваскорлар жамияти фаоллари билан учрашди, газетамиз йўналиши, унда ёритиладиган мавзулар ҳақида сўзлаб берди, «МТ»нинг сўнгги сонларидан йиғилганларга тақдим этди. «Миллий тикланиш»га нигоҳи тушган янги мухлисларимиз қувонч билан уни «чиндан ҳам миллий газета» эканлигини таъкидлашди. Ва эртасигаёқ «ерга тушмай» обуна бўлишларини билдиришди.

Ходим хурсанд бўлиб қайтди, таҳририят ҳам уни яна бир қувончли хабар билан қаршилади: «Адолат йўли» газетаси Бош муҳаррири Алишер Ибодинов мухлис сифатида тарғиботга киришганини, тез орада 50 та обуна қайд қилдиражагини айтиб «телефон хат» йуллаган эди.

Биз эндигина «қани энди, обунамиз ҳазинаси газетани узлуксиз чиқариш имконини берса» деб турган эдик, телефон одатдагидан бошқачароқ — ҳаяжонлироқ жиринглади. Эшитган гапимиз бизни ҳам тўлқинлантириб юборди: «Мен «Миллий тикланиш»нинг ашаддий мухлисиман, унинг ора очди қилмай чиқиши учун энди ер юзидан бўлса ҳам миллионта обуна қилдирмасам!..» (Техник сабабларга кўрами ё ашаддий мухлисимиз ваъдасининг изидан шошиб кетдиларми, гапнинг у ёғини эшитолмадик.

Яна айтаверсак, узоқдан хабар топганимизга қараганда, бир-икки катта санъаткорлару тадбиркорлар ўзлари туғилиб-ўсган қишлоқ хонадонларини зиёли газетамизга ўз ҳисобларидан обуна этиш истагида эканлар! Шу гап рост бўлсин! Савобларнинг савоби шудир!

Ёруғ ваъдалар ортида «Миллий тикланиш» билан юраги бир ура бошлаётган мухлислар борлиги бизга илҳом беради. Келинг, Сиз ҳам миллионларнинг бири бўлинг!

ГАЗЕТАМИЗГА КЕЙИНГИ ОЙЛАР УЧУН ОБУНА ДАВОМ ЭТМОҚДА!
НАШР КУРСАТКИЧИ: 158.

ФИКРЛАШУВ

СИЁСАТГА ҚИЗИҚАСИЗМИ?

«Агар сиз сиёсат билан шуғулланмасангиз, сиёсат сиз билан шуғулланади» деб ёзган эди файласуф Шарл Монталамбер.

Ҳуқуқий демократик жамиятда фуқаролар ўз-ўзини бошқариши кишиларнинг мамлакат сиёсий ҳаётида қай даражада иштирок этиши билан ҳам белгиланади, албатта. Бугун ҳар томонлама янгиланиш, шу жумладан, тафаккуримизда ҳам сиёсий уйғонишлар даври. Азиз мухлисларимизнинг, қолаверса, барча-барчанинг шу оламшумул мавзуга доир фикр-мулоҳазаларини билмоқ, уларнинг сиёсатга қизиқиши ҳақида маълум тасаввур ҳосил этмоқ ва жонли фикрлар давраси ясамоқ мақсадида газета орқали қуйидаги саволларни йўллаяпмиз. Саволларимизга жавоб берар экансиз, сиз нафақат фикрлар даврасида, балки шу билан сиёсатда ҳам чинакам иштирок этган бўласиз деб ўйлаймиз. Жавобларингизни астойдил кутиб қоламиз.

1. Сиёсатга қизиқасизми?
2. Оддий кишиларнинг жамият сиёсий ҳаётида иштироки деганда нимани тушунасиз, ва бу, сизнингча, нималарга боғлиқ?
3. Сиёсий (мафкуравий) тарбия манбалари ҳақидаги фикрингиз? Уларнинг қайси бирлари бизнинг эътиборимиздан четда қолаяпти деб ўйлайсиз?
4. Олий Мажлис сессияларини кузатиб борасизми? Депутатларимизнинг сессиялардаги фаолияти сизни қониқтиряптими?
5. Мамлакатимиздаги мавжуд сиёсий партияларнинг юртимизда кечаётган сиёсий жараёнларга таъсири қай даражада деб ўйлайсиз? Шахсан ўзингиз буни ҳис қилаяпсизми?
6. Партияларнинг келажаги ҳақидаги тасаввурингиз? Бу маънода қайси бирига кўпроқ ишонасиз, нима учун?

ҚЎҒИРЧОҚЛАР ҲАМ... ЎПИШАДИМИ?

Деразани очсангиз, тоза ҳаво билан бирга хонага чанг-губорлар ҳам киради. Тоза ҳаво киши соғлиги учун фойдали бўлса, иккинчиси — унинг акси, албатта. Шундай экан, деразани очишдан олдин чанг-губор киришининг олдини олиш лозимми ёки дераза очилгандан сўнгми?

Бугунги кунда Европа маънавияти, айниқса, усмир ёшларимиз ҳаётига деярли стихияли равишда сингиб бораётганлиги сир эмас. Лекин инсон табиатида унинг ўзлигини белгилайдиган ички миллий туйғулар, азалий одатлар борки, бу туйғулар Ватанга бўлган муҳаббат ва садоқатимизга уйғунлашиб кетади. Асрий маънавий ҳаётимизда ҳаё, ибо, андиша, қиз одоби, йигит одоби каби тушунчалар болаликдан фарзандлар онгига сингдирилиб келинган.

Лекин... кейинги пайтларда ўқувчилар учун керакли бўлган ўқув қуролларини ҳар хил ҳаёсиз, тарбияга зид суратлар билан «безатилган» ҳолда сотувда учратишимиз ҳамма учун табиий ҳолдай бўлиб қолди. **Ҳар қандай ёшдаги ўқувчи бу суратларга беэътибор қарамаса керак.** Айниқса, ўқув дафтарларининг муқовалари турли хорижий кинолар учун реклама манбасига айланганидай десак янглишмаймиз. Бу муқовалар улуғ аждодларимиз сурати, уларнинг ўгитлари билан безатилгани фойдали эмасми? **Дафтар дарс чоғи кинони эслатиб чалғитмасдан, ҳамиша илмни эслатгани маъқулдир.**

Шунингдек, баъзан **кичкинтойларга атаб тайёрланган** «ўғил-қизча»ларнинг (мени маъзур тутинглару) лабларини узатиб ўпишишга чоғланаётган шаклда ясалганини кўриб ажабланасан киши. Бу билан уларга нимани ўргатамиз? Бундан фарзандларимиз қандай миллий тарбия оладилар?! Аксинча, тарбиясига путур етмайдими? Табиийки, дафтарларни ўқувчилар, қўғирчоқларни эса кичкинтойлар ишлаб чиқармайдилар ёки четдан сотиб олиб келмайдилар. Демак, вақтинчалик моддий манфаатга келажак авлодимизнинг маънавий манфаатини бой бермаслигимиз, маънавиятимизни ҳар томонлама асрашимиз, уни бойитишимиз биз катталарнинг бурчимиздир.

Шаҳло ҲОШИМОВА

Ажаб дунё

АНГЛИЯ БОШ ВАЗИРИ БЛЭР ЎҒИЛ КЎРДИ

Англия ҳукуматининг раҳбари Тони Блэр ўғил фарзандлик бўлди. Бу унинг тўртинчи фарзанди. Хотини туғаётганда Блэр унинг тепасида турди. Фарзанд дунёга келгач, унинг отини Лео деб қўйди. Блэрнинг хотини Чери Леони 20 май куни кечаси тўққанида 45 ёшда эди. Бундай воқеа Англия бош вазирлари ҳаётида бешинчи маротаба юз бериши экан. Леонинг 16, 14, 12 ёшга кирган акалари ва опаси бор. Психологлар Лео жуда эркатой ва ғалаёнчи бола бўлиб ўсса керак деб айтишмоқда. Кеч туғилган болалар психологлар таърифича, атрофдаги одамлар билан яхши муомалада бўлишади, тез чиқишиб кетишади, мухолифлар билан муросага мойил ва шу билан бирга ўта исёнчи бўлишади. Чарлз Дарвин, Махатма Ганди, Жанна Д'Арк шундай кеч туғилган болалар эдилар.

Леонинг туғилиши бош вазир олдида ҳам, унинг лейбористлар партияси олдида ҳам янгидан-янги имкониятлар очади. Яқинда ўтказилган жамоат фикрини ўрганиш шуни кўрсатдики, омма орасида лейбористларнинг обрўси бу воқеадан сўнг 7 фойизга кўтарилган.

Лео туғилиши муносабати билан машҳур «Проктер энд Гэмбл» компанияси 20 майда туғилган барча болакайларни уч ойга етадиган «Памперс»лар билан таъминлашни маълум қилди.



Ўзбекистон Мустақиллигининг 9 йиллигига

ИМОМ БУХОРИЙ –

Буюк ватандошимиз башариятга тенгсиз маънавий мерос қолдириб кетди. Бу мероснинг гултожи – энг ишончли ҳадислар тўплами – «Ал-Жомиъ ас-саҳиҳ» ислом динида Қуръони каримдан кейин эъзозланадиган иккинчи манбадир. Бутун дунё мусулмонларининг эътиқодига кўра, у башарият томонидан битилган китобларнинг энг улуғидир.

Мана ўн икки асрдирки, бу китоб миллионлаб инсонлар қалбини иймон нури билан мунаввар этиб, ҳақ ва эзгулик йўлига чорлаб келмоқда.

И. КАРИМОВ

Ҳукм қилманг анинг шаҳоватига,
Дўзахийлик битимангиз отиға.

Гар киши бўлса солиҳ,–у обид,
Туну кун бўлса қойим–у сожид.

Амрлар тарк қилмаса ҳаргиз,
Наҳйлар зоҳир этмаса ҳаргиз.

Ҳукм қилманг ани саодатлиғ,
Демангиз ани жазм жаннатлиғ.

Магар ул кун-ки дўстдори илоҳ,
Жаннатийларга бўлди гувоҳ.

Эй, устозларнинг устози, муҳаддисларнинг султони, ҳадисларнинг табиби! Пойингизни ўпишга ижозат беринг!

Имом Муслим

Имом Бухорий номидаги халқаро жамғарма ташаббуси билан мамлакатимизда улуғ алломанинг кунлари ўтказилмоқда. Шу муносабат туфайли амалга оширилган тадбирлардан бири **«Миллий мафкура ва диний қадриятлар»** мавзусидаги республика илмий-амалий анжумани бўлди.

Ушбу анжуман 20 июл куни Самарқанд вилояти, Челак туманининг Хартанг қишлоғидаги Имом Бухорий ёдгорлик мажмуида улуғ аллома руҳларига бағишлаб қилинган Қуръон тиловати билан бошланди.

Қуръон тиловат қилинар экан, гўёки мажмуа осмони узра улуғ бобокалонимизнинг табаррук руҳлари пайдо бўлиб, парвоз қилгандай ва бизга қарата «Эй фарзандларим, истиқлол шарофати билан менинг харoба мақбарамни нақшинкор кошонага ва чаманзор бўстонга айлантирибсизлар, илоҳим, бу мамлакат бошлиғининг ҳам, ҳар бир фуқаросининг ҳам, самимий орзу-ҳавас билан узоқ-яқиндан келган ва келаётган жамики зиёратчиларнинг ҳам дилларидаги эзгу ниятлари ижобат бўлсин! Илоҳим, қўлларингиз дард кўрмасин, мустақиллик абадий, осмонингиз мусаффо бўлсин! Юрт равнақи йўлида тиним билмай, жонингизни жабборга бериб қилаётган меҳнатларингиз самарасини кўриш ўзингизга ҳам, келажак авлодларингизга ҳам насиб этишини яратган эгамдан сўраб қоламан!» — дея оқ фотиҳа бергандек бўлдилар.

Қуръон тиловатидан сўнг орага бир оз сукунат чўкди. Шу жимжитлик асносида, гарчи кимнинг кўнглидан қандай хаёл кечганлигини аниқ ва батафсил ёритишнинг имкони бўлмаса-да, иштирокчиларнинг чеҳрасидаги ўзликка бўлган ишонч-ифтихордан бу хаёлларнинг замирида Имом Бухорий каби улуғ алломаларнинг киндик қони тўкилган табаррук заминда таваллуд топганликдан, шундай юртга мансубликдан, унинг буюк келажагини яратиш йўлида бугун амалга оширилаётган улкан ишларнинг иштирокчиси бўлаётганликдан, чексиз мамнун эканликларини илғаб олиш қийин эмас эди. Мен ҳам бир нафас беихтиёр уларга қўшилиб, Қосим шайхнинг

«Эй ошиқон, эй ошиқон,
Ҳангоми он шуд дар жаҳон,
Мурғи дилам тайрон кунад,
Болойи ҳафтўми осмон»

— деган мисраларини эслаб, хаёллар уммонига ғарқ бўлганимни билмай қолибман. Бир оз фурсат ўтиб, ўзимга келгач, лабларимнинг «Самарқанд, оҳ қадимий ва навқирон, рўйи заминнинг сайқали Самарқанд! Сенинг табаррук тупроғингни юз-кўзига ҳеч бўлмаса умрида бир бор суришни, кўҳна обидаларингни тавоф айлашни орзу қилган, лекин орзу-ҳавасига етолмай армонда ўтганларнинг ва юрганларнинг саноғи қанчадан-қанча. Мана шундай муқаддас заминда, ақл-заковати ва иқтидори билан бутун дунёни ҳалқ лол қолдириб келаётган улуғ зотларга ворис қилиб яратганингга, шу юртнинг гуллаб-яшнаши, унинг буюк келажагини яратиш йўлида тинмай самарали меҳнат қилиш шарафига муяссар қилганингга шукроналар бўлсин», дея пичирлаётганини сездим. Дарҳақиқат, ўзини шу юртнинг асл фарзанди ҳисобланган ҳар бир инсон учун Оллоҳнинг назари тушган Ўзбекистондай муқаддас заминда туғилишдан ортиқ бахт йўқ. Буни англаб етиш фуқароларимизни ҳаётнинг турли жабҳаларида янги-янги марраларни, шу жумладан ҳали инсон қадами етиб бормаган юксак чўққиларни забт қилишга чорлагувчи илҳомбахш кучдир. Буни тушунмаслик эса бахтсизлик билан баробардир.

Мажмуанинг мажлислар залида анжуманнинг расмий очилиш маросимини Имом Бухорий халқаро жамғармаси бошқаруви раиси З. Мунавваров кириш сўзи билан очди. Юртимиз меҳмони — Бангладеш Ташқи ишлар вазири Абдуссамад Озоднинг анжуманга ташриф буюриши ва ўз фикрлари билан ўртоқлашиши унга алоҳида руҳ ва кайфият бахш этди.

Анжуманнинг маърузалар қисми Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси Самарқанд бўлими раиси, академик Т. Ширинқулов ва раис ўринбосари, фалсафа фанлари номзоди А. Абдусаидов билан ҳамкорликда тайёрлаган **«Миллий диний қадриятларни ўрганиш ва улардан истиқлол мафкурасини шакллантиришда фойдаланиш — давр талаби»** мавзусидаги маърузаси билан бошланди. Маърузада миллий-диний қадриятларни чуқур ўрганиш, тадқиқот ишлари кўламини кенгайтириш, алломалар меросига бағишланган изланишлар натижаларини нашр қилиш, уларни кенг халқ оммасига етказишнинг турли воситаларидан фойдаланиш, барча ўқув юртларининг дастурларида миллий-диний қадриятларни ўқитиш учун алоҳида соатлар ажратилишига эришиш, бу борада дарслик ва қўлланмалар яратишни тезлаштириш масалалари атрофлича таҳлил этилди. Шунингдек, маърузада Имом Бухорий халқаро жамғармаси билан ҳамкорликда Моваруннаҳр халқлари маънавий меросини ўрганиш жамоатчилик институтини ташкил этиш, мажмуа ҳудудида жойлашган диний мадраса фаолиятини замонавий талабларга мос академик лицейлар даражасида ташкил қилиш лозим, деган фикрлар ҳам билдирилди.

Самарқанд Давлат университетининг профессори, фалсафа фанлари доктори О. Бозоров **«Исломий қадриятлар ва илмий ғоя мутаносиблигининг жамият тараққиётидаги аҳамияти»** мавзусида маъруза қилди. У юртбошимизнинг «Фидокор» газетаси мухбири саволларига берган жавобларидаги **«Агар, мендан, нега миллий қадриятларимиз шунча замонлар оша безавол яшаб келаяпти, деб сўрашса, бу — аввало муқаддас динимиз ҳисобидан, деб жавоб берган бўлур эдим»,** деган иқтибосни келтириб, анжуман иштирокчилари диққатини ислом дини халқимизнинг турмуш тарзи сифатида ҳар хил шароитларда ҳам инсонларнинг ғаму шодлигини, кундалик ва келажак орзу ҳавасини қамраб олган дастурламал бўлганлигига, уларни янги уфқлар сари даъват қилишда асқотганлигига қаратди.

«Шаҳидлар хотираси» хайрия жамғармаси Самарқанд вилояти бўлимининг раиси, профессор И. Мирзаев ўзининг **«Имом Бухорий ва бугуннинг руҳий-маънавий эҳтиёжи» номли маърузасида Имом Бухорийнинг «ҳадис илмининг султони»** бўлганлиги, 300 дан ортиқ ровийни яхши билганлиги, унинг мероси мустақиллигимиз даврида ҳам руҳий дунёмиз, муқаддас ғоямиз, миллий туйғу ва мақсадларимиз йўлида беминнат хизмат қилаётганлигини таъкидлади.

Д. Зарафшоний Имом Бухорий эришган шуҳратнинг боиси чинакам меҳнат ва фидойилик эканлигини алоҳида ифтихор ила қайд этди.

Филология фанлари доктори, профессор Н. Ражабов ўзининг **«Имом Бухорийнинг «Ал-Жомиъ ас-саҳиҳ» асарида оила муаммоси»** номли маърузасида ҳадислардан намуналар келтириб, уларда аёл ва эркакларнинг бурчлари аниқ ифодасини топганлигини баён қилди. Келтирилган ҳадислардан қуйидагиси алоҳида эътиборга сазовордир: **«Эркаклар ўз оила аъзоларига васий ва масъулдирлар, аёллар ўз эрлари, уйларидаги бор нарсаларига масъулдирлар».**

Профессор М. Муҳиддиновнинг маърузаси Алишер Навоийнинг «Ҳайрат ул-аброр» достонидаги орифона ҳикоятлар талқинига бағишланди. Тадқиқотчи достондаги ҳикоятлар одатда қисқа сюжетли бўлганлигини таъкидлаб, уларни икки қисмга ажратади: бири — машҳур тарихий шахслар (суфийлар, уламолар) номи билан боғлиқ ҳикоятлар, иккинчиси — умуман тасаввуф ғояси акс этган рамзий ҳикоят ёки масаллар. Самарқанд Давлат университети профессори С. Каримовнинг **«Қуръон ва нутқ маданияти»** номли маърузаси эса нутқ маданиятининг турли қирраларини ёритишга бағишланган бўлиб, тадқиқотчи мавзу билан боғлиқ Қуръони каримдаги оятларни ва ҳадисларни келтирди ҳамда инсонлар ўртасидаги ўзаро муносабатда нутқ маданиятининг ўрни беқиёс эканлиги, шунинг учун ҳам ушбу масала Қуръон ва ҳадисларда такрор ва такрор зикр этилишини таъкидлади.

Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси Самарқанд бўлими илмий ходими А. Аҳмедов маърузасида диншунослик фанининг муаммолари атрофлича таҳлил қилиниб, Ватанга садоқатни кучайтириш, фарзандларимизнинг таълим-тарбиясини умумбашарий қадриятларга эҳтиром руҳида такомиллаштиришимиз, ёт мафкуравий ақидаларнинг кириб келишига қарши туришимиз зарурлиги алоҳида таъкидланди.

Самарқанд Давлат университетининг профессори И. Мирзаевнинг маърузасида термизлик ватандошимиз Абу Исо Термизий ҳазратларининг буюк муҳаддис бўлиб етишишида Имом Бухорийнинг устозлик ўрнини кўрсатиб берувчи қизиқарли маълумотлар келтирилди.

Ўзбекистон Фанлар академияси Самарқанд бўлимининг катта илмий ходими К. Каттаев маърузаси Имом Бухорий масжиди тарихига бағишланди. Унинг таъкидлашича, масжид атрофидан XVIII асрга оид пойдевор қатлами топилган. Бу эса Амир Маъсум Шоҳмурод ҳукмронлиги даврига тўғри келади. Бундан ташқари, рус олимлари бундан 100—110 йил бурун туширган суратда ҳам Имом Бухорий масжиди

Икки муқаддас ҳарамда, Ҳижозда, Шомда ва Ироқда кўп олимларни кўрдим, лекин Муҳаммад ибн Исмоилдек ҳадис жамлаганини кўрмадим. Ул зот биздан кўра билгувчироқ, фақиҳроқ ва талабчанроқдир.

Абдуллоҳ ибн Абдураҳмон Самарқандий

жуда оддий, нақшсиз қилиб қурилганлиги акс этган. Тадқиқотчи, оддий, лекин пишиқ иморатлар қуриш Амир Маъсумга хос фазилатлардан бири эканлигига асосланиб, ушбу масжид Амир Маъсум Шоҳмурод томонидан қурилган ёки таъмирланган, деган хулосага келади. Орадан кўп йиллар ўтиб, истиқлол шарофати ва шахсан Президентимизнинг саъй-ҳаракатлари билан ушбу мажмуа қайта тикланди. Уни тиклашни ўзининг фарзандлик бурчи деб билган юртбошимиз мажмуанинг аҳамияти ҳақида, жумладан шундай деган эди: **«...мен бу муаззам ёдгорлик мажмуини шунчаки зиёратгоҳ эмас, балки гўзал Ўзбекистонимизни бутун дунёга танитадиган, ёш авлодимизни эзгулик руҳида тарбиялайдиган, ҳар бир инсонни ҳаёт ва абадият ҳақида ўйлантирадиган азиз маскан бўлиб қолишига ишонаман».**

Самарқанд анжуманида таниқли олимлар билан бир қаторда Н. Назарова, М. Тангирова, А. Муҳаммадиев каби иқтидорли ёшлар иштирок этиб, ҳадислардан «бошлиқ бўлмасингиздан аввал илмни чуқур ўрганинг», «аввал онангизга, яна онангизга ва яна онангизга, сўнг отангизга яхшилик қилинг», «жаннат оналарингиз оёқлари остидадур» каби намуналар келтириши ва «биз, ёшлар муқаддас китобларимизни ўқиб, улардан руҳланиб, маънавий озуқа олиб, давлатимиз равнақи учун, жаҳондаги энг илғор мамлакатлар қаторидан ўрин олиши учун бор куч-ғайратимизни сарфлайлик» деб, даъват қилиши алоҳида эътиборга моликдир. Улар Ватанимиз келажаги маънавий баркамол ёшларнинг қўлида эканлигини, жонажон Ўзбекистонимизни гуллаб-яшнатиш учун биргина миллий-диний қадриятларимизни ўрганиш билан чекланиб қолмасдан, балки дунёвий билимларни ҳам, замонавий техника ва технологияларни ҳам пухта ўзлаштириш лозимлигини англаб етганликларини билдирдилар ва бошқаларни ҳам шунга даъват қилдилар. Ёшларнинг ўз аждодларига муносиб ворис бўлишга бел боғлаб, дадил чиқишлари анжуман иштирокчилари қалбида, тиним билмай меҳнат қилаётган юртнинг истиқболи ишончли қўлларда эканлигини англатувчи табиий фикр уйғотди. Анжуманда кўзланган асосий мақсадлардан бири ҳам айни шу муддао эди.

Имом Бухорий ёдгорлик мажмуида мингдан ортиқ қўлёзма ва тошбосма манбалардан иборат ўзбек халқи қўлёзма мероси миллий марказининг Самарқанд бўлими очилганлиги, шунингдек, хорижий давлатлар раҳбарлари ва жамоат арбобларининг совғаларидан ташкил топган музейнинг очилиши мазкур анжуманнинг амалий натижаларидан бўлди. Гапнинг индаллосини айтадиган бўлсак, Имом Бухорий кунлари доирасида ўтказилган Самарқанд анжумани республикамиз маънавий ҳаётида сезиларли из қолдирган воқеа бўлди.

«Миллий мафкура ва диний қадриятлар» мавзусидаги республика илмий-амалий анжумани 21 июл куни Тошкент шаҳрида давом этди.

Анжуман иштирокчиларини Ўзбекистон Республикаси Президентининг Давлат маслаҳатчиси З. Ҳусниддинов қутлади. У ўз табрик сўзида мустақиллик ижтимоий, иқтисодий ва сиёсий соҳалар билан бирга, маънавий, маданий, мафкуравий, маърифий жабҳаларда ҳам катта имкониятларни вужудга келтиргани, халқимизнинг ўзлиги, тили, қадриятлари ва урф-одатларини тиклаш, авайлаб – асраш ҳамда келажакка

Имом Бухорий халқаро жамғармаси Сизни ушбу муқаддас маконни зиёрат қилишга таклиф этади

етказиш учун зарур шарт – шароитларни яратганини таъкидлади. Буюк аждодларимизнинг улуғ номлари ва хотираларини тиклаш борасида шахсан юртбошимиз ташаббуси билан ҳукуматимиз томонидан амалга оширилаётган тадбирлар ҳақида гапирди.

Шунингдек, маънавий тикланиш ва иқтисодий юксалиш бир-бири билан чамбарчас боғлиқ экани ҳақида сўзлаб, айни

Муҳаммад ибн Исмоил ал-Бухорийга маълум бўлмаган ҳадис, албатта, ишончли ҳадис эмасдур.

Амр ибн Фаллос

вақтда бугунгидек хайрли тадбирлар мустақиллигимизни кўра олмай, дин ниқоби остида юртимизга кириб келаётган турли оқимларга ва ақидапарастликка қарши курашда муҳимлиги, Имом Бухорий, Имом Термизий, Замахшарий ва Мотуридий каби буюк алломаларимиз томонидан яратилган таълимотлар бугунги кунда ҳам зарур қўлланма вазифасини ўташини қайд этди.

Шундан сўнг таниқли тарихчи, файласуф, шарқшунос, ҳуқуқшунос олимлар буюк аллома меросининг ислом олами ва бугунги маънавий ҳаётимизда тутган ўрни, у тўплаган ҳадисларда комил инсон ғояси, ислом ва маърифатпарварлик ҳамда бошқа мавзуларда маърузалар қилдилар.

Анжуманнинг маърузалар қисмини бошлаб берган академик А. Рустамий айрим тадқиқотчилар араб тилига хос «ал» аниқлик артиклини ўзбекча сўзларда ноўрин қўллаётганликларига эътиборни қаратиб, ўзбек тили мезонларидан келиб чиққан ҳолда «ал-Осиё» «ал-Бухорий» сўзларидан олдин бундай қўшимчага эҳтиёж йўқлигини, бунда кейин ўзбекча номларни «ал» қўшимчасисиз ёзиш мақсадга мувофиқ эканлигини алоҳида таъкидлади. Сўнгра Имом Бухорий «Саҳиҳ»ида такфир, яъни бир мусулмон томонидан бошқа бир мўъмин-мусулмонни кофир деб айтиш ножоизлиги ҳақидаги ҳадислардан Заҳириддин Муҳаммад Бобур руҳланиб, «Мубаййин» асарида такфир хусусида қуйидагича ажойиб манзумалар битганига иштирокчиларнинг диққатини қаратди:

Ҳар неким, Тангридин кетурса расул,
Ҳар кишиким, аларни қилса қабул,

Ул киши аҳли қибладур, билингиз,
Они кофир демакни бас қилингиз.

Гарчи кўб залм–у кўб хато қилса,
Мубтади бўлса йуз ҳаво қилса.

Эй, устозларнинг устози, муҳаддисларнинг султони, ҳадисларнинг табиби! Пойингизни ўпишга ижозат беринг!

Имом Муслим

Яна жамъени ҳазрат олдидин,
Бил мубашшир набий мақолидин.

Тарих фанлари доктори, профессор А. Ҳасановнинг **«Имом Бухорий меросининг ислом олами ва бугунги маънавий ҳаётимиздаги ўрни»** номли маърузасида Имом Бухорий даври – IX аср – мусулмон уйғониш даврини бошлаб берганлиги, IX аср мусулмон маданиятисиз жаҳоннинг бугунги тараққиёт даражаси мутлақо бошқача бўлиши мумкинлиги, Имом Бухорий биргина муҳаддис эмас, балки қомусий аллома бўлганлиги, у тўрт сунний мазҳабни ҳурмат қилган ва биронтасини камситмаган ҳолда баъзан муайян мазҳаб билан чегараланмасдан ўзининг мустақил усули бўйича ҳукмлар чиқарганлиги каби масалалар ёритиб берилди. Имом Бухорийнинг бош асарига турли даврларда олимлар томонидан бир неча шарҳлар ёзилганлиги, булар орасида, айниқса, мисрлик ўрта аср тарихчиси Ҳажар Асқалоний ёзган 13 жилдлик «Фатҳ ал-Борий фий шарҳ ал-Бухорий» номли китоб XV асрнинг шоҳ асари деб эътироф этилгани алоҳида таъкидланди.

Академик Б. Аҳмедов Амир Темур халқаро хайрия жамғармаси билан Имом Бухорий халқаро жамғармаси ҳамкорликда амалга оширилиши режалаштирилган тадбирлар кўлами хусусида тўхталиб, Ватанимиз ҳудудидаги муқаддас қадамжойларнинг тарихий албомини яратиш шу куннинг долзарб масалаларидан бири эканлигини алоҳида қайд қилди.

Тошкент Ислом университетининг проректори А. Мансуров ўз маърузасида Имом Бухорий ва Абу Мансур Мотуридий ўрталаридаги боғлиқликка тўхталиб, Имом Бухорий, ўз вақтида, Абу Мансур Мотуридийнинг устози шайх Муҳаммад ибн Муқотилдан ҳадис тинглаганлигини, Имом Бухорий билан шайх Мотуридийнинг фаолиятлари ислом дини таълимотини ҳаққоний талқин этиш нуқтаи назаридан таҳсинга сазовор эканлигини, уларнинг исломий ақида, тавҳид ва калом илми соҳасида қилган ижодлари, илмий меросларининг ҳозирги кунда ҳам турли диний оқимларнинг экстремистик руҳдаги ҳаракатлари ва ғояларига қарши олиб борилаётган умумий курашда ишончли восита бўлиб хизмат қила олишини алоҳида таъкидлади.

Таниқли публицист А. Иброҳимов мустақиллик шарофати туфайли Имом Бухорий сингари диний уламолар асарларини ўрганишга кенг имкониятлар очилганлиги, буни юртбошимизнинг Эрон сафари чоғида ҳатто Эрон Президенти алоҳида таъкидлагани, бундай муҳим маълумотларни батафсил ёритишда оммавий ахборот воситалари дадилроқ бўлиши лозимлиги ҳақида журналистга хос куюнчаклик билан гапирди.

Филология фанлари доктори, профессор А. Ҳожиаҳмедовнинг **«Имом Бухорий ва ўзбек адабиёти»** номли маърузасидаги муборак ҳадислар асосида дастлаб «наът» жанрида кейинчалик «меърожнома», «арбаъин» тарзида битилган лирик шеърлару достонлар, халқ китобларию насрий асарлар XI асрдан бошлаб адабиётимиздан кенг ўрин олганлиги тўғрисидаги қизиқарли ва асосли далиллар анжуман иштирокчиларида катта таассурот қолдирди.

Андижонлик дин арбоби А. Махсумовнинг маърузаси Абу Мансур Муҳаммад ибни Муҳаммад ибни Маҳмуд Мотуридийнинг ҳаёти ва меросини ёритишга бағишланди. Улуғ аждодларимиздан фақат икки нафари «аҳли сунна вал-жамоа эътиқодини тиклаш йўлидаги алоҳида хизматлари учун «имом ал-ҳудо», яъни «ҳидоятга бошловчи» номини олган. Уларнинг бири Абу Мансур Мотуридий бўлса, иккинчиси фақиҳ Абу Лайс Наср ибни Муҳаммад ибни Аҳмад Самарқандийдир. Нотиқнинг таъкидлашича, Имом Мотуридий «ат-Тавҳид» («Якқахудолик ҳақидаги китоб»), «Китоб-ул-мақолот» («Мақолотлар китоби»), «Таъвилоти аҳли сунна» («Суннийлик анъаналарини тушунтириш») ва яна қатор китоблар таснифи қилиб, аҳли сунна вал-жамоа эътиқодидаги мусулмонларнинг залолатдан қутулиб, ҳидоятда бўлмоқлари учун улкан хизмат қилган. Ҳаттоки «Қодирия» тариқатининг асосчиси Шайх Абдулқодир Жийлоний ҳазратлари ҳам ўзининг «ал-Жавоҳир у-музияа» китобида Абу Мансур Мотуридийнинг «Таъвилоти аҳли сунна» асари ўта юксак маҳорат билан таснифи этилганлигини эътироф этиб, унга қуйидагича таъриф берган эканлар: **«Бу шундай бир улуғ китобдирки, таъвилот фанида ёзилган китобларнинг бирортаси бу китобга баробар кела олмайди, балки унга яқин ҳам кела олмайди».**

Таниқли шарқшунос олим У. Уватов ўз маърузасида араб муаррихи Шамсуддин аз-Заҳабий қаламига мансуб (1274 – 1348) «Сийар ал-аълом ан-нубало» («Олийжаноб алломалар сийратлари») номли асарининг 12-жилдида «Абу Абдуллоҳ Бухорий» сарлавҳаси остида Имом Бухорий ҳаёти ва мероси батафсил ёритилганлигини, асли 25 жилддан иборат бўлган ушбу асарда бошқа бирорта ҳам олимнинг ҳаёти ва меросини ёритишга бундай кенг ўрин берилмаганлигини, шунингдек, бу маълумотларни алоҳида ўрганиш лозимлигини таъкидлади.

Ёш шарқшунос олим Д.Раҳимжоновнинг маърузаси Насаф ҳадис мактабининг шаклланишида Имом Бухорийнинг ўрни масаласига бағишланди. Тадқиқотчи ўз изланишлари натижасида VIII – XII асрларда Моваруннаҳрда яшаган уч мингдан ортиқ таниқли муҳаддисларнинг мингдан ортиғи Самарқандда, 600 дан ортиғи Бухорода, 400 дан ортиғи Насафда, 70 дан ортиғи Шошда, 60 дан ортиғи Фарғонада, қолганлари эса Уструшана, Дабусиййа, Кушониййа ва бошқа минтақаларда фаолият олиб борганлигини аниқлаб, Насаф – ҳадис илмида Самарқанд ва Бухоро каби йирик марказлардан кейин туради,деган муҳим хулосага келади. Шунингдек, маърузада келтирилган Имом Бухорийнинг Насафга ташрифи зиёраларини ҳам, оддий хонадон соҳибларини ҳам беҳад хурсанд қилганлиги, Муҳаммад ибн Исмоилдан ташқари, Бухородан Насафга яна кўплаб муҳаддислар келганлиги, Имом Бухорийнинг ҳадис мактаби анъаналарини давом эттирган ар-Раис Абу Усмон ан-Насафий вафот этганда, унинг жанозасини Самарқанд амирининг ўзи Абу Мансур Абдуллоҳ ибн Маслама ўқиганлиги туғрисидаги янги маълумотлар анжуман иштирокчилари томонидан катта қизиқиш билан тингланди.

Яратган намуналари билан нафақат Ўзбекистонда, балки хорижда ҳам моҳир хаттот сифатида эътироф этилган Ҳабибуллоҳ Солиҳовнинг «Ғузаллик ва ҳикмат уйғунлиги» маърузаси халқ амалий санъатининг ҳали мукаммал ўрганилмаган қирраларини очиб беришга бағишланди. Тадқиқотчи изланишлар натижасида аждодларимиз томонидан яратилган атлас гулларида «шоҳий», «бекам», «хон» каби ёзувлар мавжуд бўлганлигини аниқлади. Унинг таъкидлашича, тарихий обидаларнинг деворлари ва пештоқларидаги нақшларда ҳам эзгуликка чорловчи қуръоний оятлар ва ҳадислар ислимий ёзув орқали ўта моҳирона акс эттирилган. Шунингдек, халқ амалий санъати намуналаридаги гуллар ва безаклар ҳам Ватан ва ёрга вафо, меҳр-муҳаббат, садоқат, мурувват каби эзгу ниятларни ифода этувчи битиклар асосига қурилган.

Бу эса, бир томондан, ипакнинг асл ватани бизнинг юртимиз эканлигини кўрсатса, иккинчи томондан, ўтмишда аждодларимизнинг нақадар юксак дид соҳиби бўлганлигидан далолат беради. Ҳабибуллоҳ Солиҳовнинг маърузаси анжуман иштирокчиларда катта қизиқиш уйғотди.

Муҳокамаларда сўзга чиққан таниқли олимлар, академик Неъматулло Иброҳимов, Султонмурод Олимов, Абдулҳаким Шаръий Жузжоний ва бошқалар давлатимиз раҳбари томонидан миллий-диний қадриятларни ўрганишга катта эътибор берилаётганлигини, анжуманга тақдим этилган маърузалар бунинг натижаларидан эканини, улар асосли далилларга таяниш билан бир қаторда, кўпчиликка номаълум бўлган янги манбаларни очишга хизмат қилганини таъкидладилар.

Анжуманнинг амалий якуни сифатида тавсиялар қабул қилинди.

УСТОЗЛАРНИНГ УСТОЗИ

Имом Бухорий номидаги халқаро жамғарма томонидан шу йилнинг 20—21 июл кунлари Самарқанд вилояти ва Тошкент шаҳрида ўтказилган «Миллий мафкура ва диний қадриятлар» мавзусидаги илмий-амалий анжуманда қабул қилинган

ТАВСИЯЛАР

Аждодларимиз қолдирган кўп асрлик бой маънавий мерос миллий истиқлол мафкурасини шакллантиришдаги асосий замин эканлигини алоҳида таъкидлаб, анжуман қатнашчилари қуйидаги тавсияларни қабул қилишни мақсадга мувофиқ деб топдилар:

— миллий мафкурамизни шакллантиришда асл диний қадриятларимизнинг юксак аҳамиятини қайд қилган ҳолда, бундай қадриятларни ўзида мужассамлаштирган маънавий-маданий ва тарихий обидаларни янада кенгроқ кўламда ўрганиб, улардан халқ оммасини баҳраманд этишга алоҳида эътибор бериш ҳамда бу соҳада қилинаётган ишларни давр талаблари даражасига кўтариш мақсадида таниқли диний уламоларни, сиёсатчи, иқтисодчи, файласуф, шарқшунос, ҳуқуқшунос, руҳшунос ва бошқа олимларимизни фаол илмий тадқиқотлар олиб боришга даъват қилиш;

— кўп асрлик миллий-диний қадриятларимизга бағишланган тадқиқотлар кўламини кенгайтириш мақсадида Имом Бухорий халқаро жамғармаси қошида ҳомийлар томонидан ажратиладиган грантлар ҳисобига фаолият кўрсатувчи **жамоатчилик асосидаги маънавий қадриятларни ўрганиш институтини** ташкил қилиш;

— асл диний қадриятларимизнинг миллий мафкурамиздаги муҳим ўрнини эътиборга олиб, бу соҳада олиб борилаётган илмий тадқиқотлар кўламини кенгайтириш, уларнинг илмий савиясини ошириш, миллий-диний қадриятларимизга зид бўлган ҳамда жамоатчиликни бузғунчиликларга чорловчи турли кўринишдаги мафкуравий ёт ғояларнинг кириб келишига йўл қўймаслик мақсадида мазкур мавзудаги илмий анжуманни ҳар йили ўтказиладиган анъанага айлантириш ва келгуси йилдан бошлаб Самарқанд ва Тошкент шаҳарлари билан бир қаторда Бухоро, Хива, Наманган ва Андижон шаҳарларида ҳам ўтказиш;

— буюк муҳаддис Имом Бухорий меросининг миллий мафкурамиз ва маънавиятимиз камолотидаги ўзига хос ўрнини юксак баҳолаган ҳолда унинг ҳаёти ва фаолиятини, меросининг илмий-маърифий ва тарбиявий аҳамиятини атрофлича ёритиб берувчи илмий тадқиқотлар, адабий асарлар яратишни рағбатлантириш, айниқса, Бухорий асарларининг оммабоп изоҳли нашрларини тайёрлашга алоҳида эътибор бериш, Имом Бухорий халқаро жамғармасининг аллома ҳақидаги бадиий асарларга эълон қилган танловини маъқуллаш, шунингдек, мазкур йўналишлардаги илмий тадқиқотларга ҳам танлов эълон қилиш;

— Имом Бухорийнинг мероси инсоният тафаккури маҳсулининг нодир дурдоналаридан эканлигини, ушбу мероснинг халқимиз, айниқса, ёшларни ватанпарвар ва маънавий баркамол қилиб тарбиялашдаги алоҳида ўрнини инобатга олиб, Имом Бухорий халқаро жамғармаси томонидан бошлаб юборилган алломанинг ҳаёти ва меросига тааллуқли асарлар фиҳристини тузишни тезлаштириш;

— ёшларни диний қадриятларимиз ҳақидаги зарур билим ва малакалар билан қуроллантириш мақсадида мактаблар, ўрта ва олий ўқув юртларида диншунослик асослари ва динлар тарихи фанларини юксак илмий-услубий савияда ўқитиш зарурлигидан келиб чиқиб, бу соҳада мукаммал дарслик ва қўлланмалар яратиш учун танлов эълон қилиш;

— Имом Бухорийнинг ҳаёти ва фаолиятини янада чуқурроқ ўрганиш мақсадида аллома қадамжойлари бўйлаб илмий экспедиция уюштириш учун ҳомийлар топишни тезлаштириш;

— исломий қадриятларнинг ўзбек мумтоз адабиётига чуқур сингиб кетганлигини ҳамда миллий истиқлол мафкурасини шакллантиришда унинг асосий сарчашмалардан бири эканлигини назарда тутиб, ўрта ва олий диний ўқув юртлари дастурларига ўзбек мумтоз адабиётини алоҳида фан сифатида киритиш;

— Қуръони каримнинг муқаддас оятларини тўғри талқин қилишнинг ўта нозик ва масъулиятли вазифа эканлигини назарда тутган ҳолда, айрим тадқиқотчилар табаррук оятларнинг моҳиятини анча юзаки ва бир томонлама, баъзан, хато талқин қилаётганликларига эътиборни қаратиб, Қуръондан иқтибослар келтириш ва уларни талқин қилишда ғоятда эҳтиёткор бўлиш;

— Ўзбекистон мусулмонлари идорасининг жума маърузалари матнини тайёрлаб бераётгани муҳим ижобий ҳодиса бўлганини таъкидлаб, мавзуларни танлашда баъзан изчиллик етишмаётгани, диний қадриятларимизни бугунги ҳаётий муаммолар билан боғлашда заифлик сезилаётганлиги, услубнинг оммавийликдан йироқлиги каби нуқсонлар учраб турганига эътиборни жалб қилиш;

— ўзбек тили софлигини таъминлаш ҳамда илмий-амалий фаолиятда қулайлик яратиш мақсадида исмларга араб тилига хос «ал» артиклини қўшиш адабий тилимиз мезонларига мос эмаслиги сабабли «Имом ал-Бухорий», «Аз-Замахшарий» каби номларни мазкур қўшимчасиз, яъни «Имом Бухорий», «Замахшарий» шаклида қўллаш;

— ўрта маълумотли диншунос мутахассисларга бўлган талаб ва Тошкент ислом университетини махсус билимлардан хабардор абитуриентлар билан таъминлаш эҳтиёжини назарда тутиб, Ўзбекистон мусулмонлари идорасининг Имом Бухорий ёдгорлик мажмуи ҳудудида жойлашган диний мадрасаси фаолиятини академик лицейларга қўйилаётган мезонлар даражасида ташкил этиш;

— Имом Бухорий халқаро жамғармаси ҳузуридаги ўзбек халқи қўлёзма мероси миллий марказининг нодир қўлёзма ва босма китоблар сотиб олиш имкониятларини жиддий кенгайтириш мақсадида, уни мунтазам равишда зарур маблағ билан таъминлаш учун Республика пул-кредит сиёсати комиссиясига мурожаат қилиш;

— Имом Бухорий жамғармасига нашр этиш ҳуқуқи берилганлиги муносабати билан миллий-диний қадриятларимиз тарихи ва уларнинг бугунги ҳаётимизда тутган ўрнини ёритишга бағишланган тадқиқотлар натижасини оммалаштириш, уларни нашр қилиш орқали олимларнинг бу соҳада олиб бораётган изланишлари самарасини халққа етказишни фаоллаштириш.

Ушбу тавсияларнинг ҳаётга татбиқ этилиши миллий истиқлол мафкурасининг асосий манбаларидан бири бўлган миллий-диний қадриятларимиз моҳиятининг фуқароларимиз томонидан соғлом идрок этилиб, ёш авлодни маънавий етук бўлиб камол топишига хизмат қилади деган ишончдамиз.



Одамларга шукр қилувчилар Оллоҳга ҳам шукр қилувчилардир.
(Ҳадис)

Имом Бухорий халқаро жамғармаси Сизни ушбу муқаддас маконни зиёрат қилишга таклиф этади

Анжуманга тақдим этилган маърузалардан намуналар

МОВАРОУННАҲР ФИҚҲ МАКТАБИ

Туркий сулолалар ва ҳанафий уламоларнинг мусулмон дунёсида катта нуфузга эга бўлганлиги, туркий халқлар маданияти билан ҳанафий мазҳабининг ўзаро чамбарчас боғлиқлиги яхши маълум. Шуни алоҳида таъкидлаш жоизки, ҳанафий мазҳабининг шаклланиши ва ривожланишига Ўрта Осиё халқлари салмоқли ҳисса қўшганлар. Ҳанафий мазҳабининг шаклланиши ва ривожланишида Мовароуннаҳрнинг Бухоро, Самарқанд, Насаф, Кеш ва бошқа марказий шаҳарларида вужудга келган фиқҳий мактаблар муҳим рол ўйнади. Бухоро мактабига Абу Ҳафс Аҳмад ибн Ҳафс Кабир Бухорий (вафоти 832 йил) асос солди. Абу Жаъфар Уструшонийнинг машҳур Абу Бакр Жассос (вафоти 981 йил) қўлида таълим олганлиги, балхлик фақиҳлар Абу Сулаймон ал-Жузжоний, Ибн Самоа Шаддод ибн Ҳукайм мактаблари Самарқанд муҳитига доимо сезиларли таъсир кўрсатиб келганлиги Ўрта Осиё фиқҳ мактаблари, айниқса, Бухоро мактаби билан Бағдод мактаби ўртасидаги алоқалар мустаҳкам бўлганлигидан далолат беради.

Қорахонийлар (999—1212) ҳукмронлиги ўрнатилгач, Мовароуннаҳрнинг Хуросон билан алоқалари сусайиб маҳаллий мактабларнинг мустақил ривожланишига кенг имкониятлар очилди. Бухоро ва Самарқанд ҳақиқий илмий-маданий марказларга айланди. Бу шаҳарларда фаолият кўрсатиб, илм ва ижтимоий ҳаётда кучли мавқега эришган Садр, Риғдамуний, Зарандарий, Маҳбубий, Саффор, Пазdавий, Сайид Абу Шужоъ, Хайзохазий, Ақилий, Марғиноний каби Насаф, Марв, Фарғона фақиҳларини алоҳида қайд этиб ўтиш лозим. Самарқандлик сунний олимлар томонидан яратилган таълимотнинг Абу Муъин Насафий ва Абу Йуср Пазdавий томонидан «Мотуриддийя» номи остида қайта тикланиши Бухоро ва Самарқанд мактаблари мавқеларининг яқинлашувига олиб келди. Хоразмда эса эътиқодда муътазилий, мазҳабда ҳанафий бўлган фиқҳий-филологик мактаб ривожланди.

Бу даврда Шайбонийнинг «Зоҳир ар-ривойа» даражасидаги шарҳлар, фиқҳнинг «Усул ал-фиқҳ» ва бошқа соҳаларига оид махсус китоблар ёзилди. Машҳур фақиҳларнинг фатволари алоҳида тўпламларга йиғилди. Бу соҳадаги ишларни умумлаштирувчи дарслик сифатида Бурҳонуддин Марғинонийнинг «Китоб ал-ҳидоя фи шарҳ ал-бидоя» асари пайдо бўлди. Мазкур давр фиқҳларининг илмий фаолияти кейинги олимлар томонидан муносиб баҳоланди. Масалан, Ибн Камол-пошо фиқҳ соҳасидаги юксак билимга эга бўлган мовароуннаҳрлик 6 фақиҳни — Шамс ул-аимма Ҳалвоний, Шамс ул-аимма Сарахий. Фахр ул-Ислом Пазdавий, Садр Кабир, Фахриддин Қозихон, Ифтихор ад-дин Бухорийларни учинчи даражали мужтаҳидлик мақоми рутбасига кўтарди, Бурҳониддин Марғиноний ва Шамс ул-аимма Кардарийга эса тақлиднинг юқори поғоналарини беради.

Мўғуллар истилоси туфайли йирик шаҳарларнинг бузилиб бориши оқибатида мовароуннаҳрлик кўпчилик фақиҳлар Яқин Шарқ мамлакатларига ҳижрат қилдилар. Улар томонидан Мусил, Ҳалаб, Димашқ, Қоҳира, Лоренда, Қунйа, Мерзифон, Бурса ва Қримда янги фиқҳий мактабларга асос солинди.

Мовароуннаҳр фиқҳ мактабининг фаолиятини таҳлил қилар эканмиз, улар томонидан Ўрта Осиё халқлари маданиятининг кўп жиҳатлари — урф-одатлари, ҳуқуқий асослари исломлаштирилганлигини таъкидлашимиз лозим. Ҳанафийлик Ўрта Осиё маданиятида чуқур илдиз отиб, турли суфийлик тариқатлари билан ҳам чатишиб кетди. Буни Баҳовуддин Исфижобий (йассавиййа), Сайфуддин Бохарзий (кубровиййа), Хўжа Муҳаммад Порсо (нақшбандиййа) фаолиятларида кўришишимиз мумкин. Натижада мазкур суфий таълимотлар ҳанафийлик руҳи билан суғорилди. Кейинчалик, фиқҳ масалалари доираси торайтирилиб, Убайдуллоҳ ибн Маъсуднинг «Мухтасар ал-виқоя ва Лутфуллоҳ Насафийнинг «Фиқҳ Кайдоний» тўпламлари (компендиумлари) қисқача баёнлар даражасига келтирилди.

А. МЎМИНОВ,
доцент

АЛИШЕР НАВОИЙ ИЖОДИДА ҲАДИСЛАРНИНГ БАДИИЙ ТАЛҚИНИ

Мусулмон Шарқи адабиётини ислом динидан айри ҳолда тасаввур қилиб бўлмайди. Ҳазрат Навоийнинг ижоди ҳам Қуръоний оятлар ва ҳадислар мазмунини ўзида мужассамлаштирган. «Арбаъин» рисоласида Пайғамбаримизнинг қирқта муборак ҳадислари назмда шарҳлаб берилган. Жумладан унда қуйидаги тўртлик келтирилган:

Оналарнинг оёғи остидадур
Равзаў жаннату жинон боғи.
Равза боғин висолин истар эрсанг,
Бўл оналар оёғи туфроғи.

Ушбу тўртлик «Жаннат оналарингиз оёқлари остидадур» деган ҳадиснинг бадиий шарҳидир.

Шуни таъкидлаш лозимки, ҳадислар бадиийлаштирилганда, уларнинг маъноси кенгроқ, тушунарлироқ ва соддароқ қилиб берилади. Бу эса уларнинг таъсир кучини оширади.

Ҳадисларнинг бадиий талқинини Навоийнинг нафақат шеърий, балки насрий асарларида ҳам, жумладан, «Маҳбуб ул-қулуб»да кўриш мумкин. Қуйидаги танбеҳларга эътибор қилинг:

«Сабр била кўп борлик иш очилур, ишда ошиққан кўп тойилур, кўп тойилгон кўп йиқилур». «Ишда ошиқмоқ ёш ўғлон ишидур, сабр билан иш қилгувчи тажрибалиғ улуғ ёшлиғ киши ишидур. Байт:

Ҳар кимсаки айламас ошиқмоғни хаёл:
Яфроғни ипак қилур, чечак баргини бол».

Келтирилган танбеҳлар Пайғамбаримизнинг қуйидаги ҳадислари билан ҳамоҳанг: «Сабр ва бардош – Оллоҳдан, шошқалоқлик – шайтондандир».

Пайғамбаримиз ҳадисларидан яна бирида шундай дейдилар: «Одамлар орасида чақимчилик ва бўҳтон гапларни тарқатишдан сақланинг».

Шоир эса ушбу ҳадис маъносига ҳамоҳанг тарзда «Маҳбуб ул-қулуб»да:

«Улки сўзни бир ердин яна бир ерга еткургай, элнинг ўтган гуноҳини ўз бўйнига индургай. Наммомлик чин сўзга мамнуъдур. Агар зуҳур – ҳаёл қилқи, ёлғон сўзга не етгай. Сўз тергувчининг агар улуғи, агар кичиги – билки эрурлар тамуғ ўтининг тутуғи», тарзида ифодалайди.

Пайғамбаримиз чақимчиликдан сақланинг, деб амр қилган эдилар. Навоий эса ушбу ёмон хислатнинг жамики салбий томонларини батафсил айтиб, уни дўзах олови билан тенглаштиради.

Хулоса қилиб шуни айтиш мумкинки, Ҳазрат Навоийнинг деярли барча асарлари ояту ҳадис маънолари билан ҳамоҳангдир.

А. МУҲАММАДИЕВ,
СамДУ тадқиқотчиси

СИРОЖУДДИН ЎШИЙ — МУҲАДДИС ВА ФАҚИҲ

Сирожуддин Али ибн Усмон ибн Муҳаммад ибн Сулаймон Уший Фарғоний Ҳанафий Шаҳидий ислом маданиятида ўчмас из қолдирган муҳаддис, фақиҳ, мутакаллим, адиб ва етук шоирлардан биридир. У ўша даврдаги ном қозонган олимлардан Бурҳонуддин Марғиноний, Фахруддин Ҳасан Ўзгандий, Абу Ҳафс Умар Насафий, Аҳмад Яссавий, Абдулхолиқ Ғиждувонийлар билан ҳамаср эди. Сирожуддин Ўшийнинг ҳаёти ва илмий мероси ўзбек олимлари томонидан деярли ўрганилмаган. Ваҳоланки, олим ўзининг фиқҳга оид «Фатовойи Сирожиййа» ҳамда ислом ақойидаги оид «Бадъ ул-амолий» қасидаси билан шуҳрат қозонган.

Бизгача Сирожуддин Ўшийнинг қуйидаги асарлари етиб келган:

– **Фатовоий Сирожиййа.** 54 китоб (мақола)дан иборат, араб тилида ёзилган, Ҳиндистоннинг Лакнав шаҳрида тошбосма усулида кўп марта нашр қилинган. Қўлёзмалари дунёнинг кўпгина китоб хазиналарида сақланмоқда.

– **Ғурар ул-ахбор ва дурар ул-ашъор.** Араб тилидаги бу асар ҳадис илмига бағишланган, бизгача етиб келмаган ёки ҳали топилмаган.

– **Нисоб ул-ахбор ли-тазкират ил-ахёр.** Бу асар «Ғурар ул-ахбор»нинг қисқартирилган нусхаси бўлиб, унда олим ўзидан олдин ўтган 11 та уламонинг, жумладан, Имом Бухорийнинг асарларидан ҳам кенг фойдаланган. Асардаги ҳадислар мавзуларга бўлинган, 113 та бобдан иборат. Уларда олимлар, илм, табобат, қариндошларга мурувват, қаноат, тилни сақлаш, ота-онага ҳурмат ҳамда ёмон қилмишлардан сақланиш ҳақидаги ҳадислар келтирилган.

– **Жавоҳир ул-аҳком.** Олимнинг форс тилида ёзилган ягона асари бўлиб, 1533 йилда кўчирилган нусхаси ЎзР ФА Шарқшунослик институтида сақланмоқда. 37 китоб (мақола)дан иборат, уларда фиқҳий масалалар ёритилган.

– **Мухталиф ур-ривоя**. Араб тилидаги бу китобда Умар Насафийнинг «Хилофиёт» номли фиқҳий асари шарҳлаб берилган.

– **Бадъ ул-амолий.** Асар араб тилида шеърий услубда ёзилган, унда ақоийд масалалари баён қилинган. Асар олимнинг шеъриятда катта иқтидор эгаси бўлганини кўрсатади. Унга олимлар томонидан учта шарҳ ёзилган. Уларнинг иккитаси форсчага, биттаси ўзбек тилига шеърий таржима қилинган. Мадрасаларда ўқув қўлланмаси вазифасини бажарган. Унинг ҳозирги кунда ҳам аҳамияти катта бўлиб, бу илмни яхши эгаллаганлар турли оқимларга эргашиб кетавермайди.

Сирожуддин Ушийнинг ҳадис, фиқҳ ва ақоийдга оид асарларини ўрганиш бой маънавий меросимизни янада чуқурроқ ўзлаштиришимизга ёрдам беради.

Маҳмуд ҲАСАНИЙ,
ЎзР ФА Шарқшунослик институти илмий ходими

Имом Бухорий халқаро жамғармаси Сизни ушбу муқаддас маконни зиёрат қилишга таклиф этади

ҲАДИСЛАРДАН НАМУНАЛАР

Одамларга шукр қилувчилар, Оллоҳга ҳам шукр қилувчилардир.

* * *

Жаннат оналарингиз оёқлари остидадир.

* * *

Сўзда сеҳр бор, шеърда эса ҳикмат.

* * *

Имоннинг афзали сабр ва бағри кенгликдир.

* * *

Сабру бардош – Оллоҳдан, шошқалоқлик – шайтондандир.

* * *

Хотиннинг баракалироғи – сарф-харажатни камроқ талаб қиладиганидир.

* * *

Аёл эрининг молини ва харжини тежамоғи лозим.

* * *

Одамлар орасида чақимчилик ва бўҳтон гапларни тарқатишдан сақланинг.

* * *

Кимки мўъминни лаънатласа, кофирликда айбласа, уни ўлдирган баробарида гуноҳга ботади.

* * *

Динда ҳаддан ташқари ғулув (чуқур) кетманглар. Чунки сизлардан илгари ўтган қавмлар динда ҳаддан ташқари ғулувлар сабабли ҳалокатга учраганлар.

* * *

Бошлиқ бўлмасингиздан аввал илмни чуқур ўрганинг.

* * *

Тангри аёллар билан яхши муомалада бўлишларингни тавсия этади. Чунки улар – оналаринг, қизларинг, холаларингдир.

ИМОМ БУХОРИЙНИНГ ҲАЁТИ ВА МЕРОСИ

«Амирул-мўъминин фил-ҳадис» («ҳадис илмининг султони»), «имомуд-дунё» («дунё имоми»), «шайхул-ислом» («ислом шайхи») каби юксак унвонлар билан машҳур бўлган Абу Абдуллоҳ Муҳаммад ибн Исмоил ибн Иброҳим ал-Муғира ал-Бухорий ал-Жуъфий (милодий 810-870 йиллар) ҳижрий 194 йил, шаввал ойининг 13-куни Бухоройи шарифда таваллуд топди. У ёшлигидан илмга берилган бўлиб, дастлабки сабоқларни Саллом Пайкандий, Муснадий, Ашъасий ва Юсуф Пайкандий каби бухоролик устозларидан олди. Сўнгра илм излаб Ироқ, Шом, Миср, Ҳижознинг йирик шаҳарларига борди ва у ерларда 42 йил умргузаронлик қилиб, етук уламолардан сабоқ олди, ўзи ҳам иқтидорли шогирдлар тайёрлаб, устозлик даражасига кўтарилди. Пайғамбаримиз Муҳаммад саллаллоҳу алайҳи ва салламнинг ҳадисларини йиғди ва инсониятга буюк маънавий-маърифий мерос қолдирди. У ҳижрий 256 йилнинг шанба куни Рамазон ҳайити кечасида Самарқанд вилоятининг Хартанг қишлоғида 62 ёшда вафот қилди.

Имом Бухорийнинг ёзма мероси:

- **«Ал-Жомиъ ас-саҳиҳ» – «Ишончли тўплам»**
- **«Ат-Тарих ал-кабир» – «Катта тарих»**
- **«Ат-Тарих ас-сағир» – «Кичик тарих»**
- **«Аз-Зуаъфа ас-сағир» – «Ҳадиснинг заифлари ҳақида кичик китоб»**
- **«Ал-Кунйо» – «Фақат лақаблари маълум ривоятчилар ҳақида китоб»**
- **«Ал-Адаб ал-муфрад» – «Адаб дурдоналари»**
- **«Ал-Қироату халфал-имом» – «Имомга иқтидо қилган кишининг қироати ҳақида»**
- **«Рафъул-ядайни фис-солати» – «Намозда икки қўлни кўтариш баёни хусусида»**
- **«Халқу афъолул-ъибади» – «Бандаларнинг феълларини яратиш хусусида»**

Бундан ташқари, Имом Бухорий қаламига мансуб яна 15 китоб мавжудлиги манбаларда зикр этилган, бироқ уларнинг аксарияти мукаммал асарлар шаклида бизгача етиб келмаган.

7250 та энг ишончли ҳадисни қамраб олган «Ишончли тўплам», шубҳасиз, Имом Бухорийнинг шоҳ асари бўлиб, унинг мингдан ортиқ қўлёзма нусхалари сақланиб қолган. У инглиз, француз, немис, турк, форс ва бошқа кўп тилларга таржима қилинган.

Қўш саҳифани Неъматилла ЖАББОРОВ тайёрлади

Хотира ўчмасдир, хотира мангу!

ҲУРРИЯТГА ИНТИЛГАН ҲУР ҚИЗ

Она Ватанни севиш, душманлардан уни ҳимоя этиш Ватан ўғил-қизлари учун фавқулодда бир ҳодиса эмас, балки фарздир. Ҳикоямиз шу кунгача сизга ҳали номи таниш бўлмаган, ёш умрини ўз халқининг ҳуррияти учун қурбон қилган гўзал ватандошларимиз, карманалик Нодира қиз ҳақида.

Нодира ҳақида дастлаб Саид Мансур Олимийнинг «Бухоро — Туркистоннинг бешиги» китобида ўқидим. Янада қизиқишим ортиб хат билан муаллифга мурожаат қилдим.

Нодира қиз қиссаси бўлган воқеа. Саид Мансур Олимий менга тоғаси Исмоил жанобларининг ушбу хотираларини йўллади.

... Бухорога қарашли Карнана туманининг шарқий қисмида ўзига тўқ Мулла Раҳматуллабой исми шарифли миллатдошимиз зиёли яшаган, унинг икки ўғил ва бир қизи бўлган. Раҳматуллабойнинг ўғиллари от минишда, улоқ чопишда, кураш тушишга, тирандозлик (камалакдан ёй отиш)да ўша минтақада биринчи бўлганлар. Қизи Нодира Бухоронинг Карнана туманидаги Зиёвуддин қишлоғида дунёга келган (1904 йили). Нодира ўқиш, ёзишни ўша даврлардаги ўз мактабларида ўрганади. От минишни, тирандозлик ва шахмат ўйнашни унга акалари ўргатадилар. Нодира чавандозлик ўйинларида сочини турмаклаб бош кийим тагига олиб, белига қизил белбоғ боғлаб олар экан.

Ҳар ишда биринчи бўлган, ҳам ҳуснда тенги йўқ қизнинг овозаси узоқларга кетибди. Нодирага шайдо бўлганлар жуда кўплигига қарамай, тақдир тақозоси билан у турмушга чиқмаган.

XX асрнинг машъум 20-30 йилларидаги эл бошига тушган мусибатлар гувоҳи бўлган Саиджон додхоҳ ўз «Хотиралар»и да ушбу маълумотни беради: «Аҳолининг мол-мулки талон-тарож қилинди, сўнг оила номусига қадар тажовуз бошланди. Ҳар кўйда ўрис навкари мутлақ бўлиб олди... Аҳоли бу ҳолга чидай олмади — ўз номусини ҳимоя қилишга отланди». Бундай оғир кезларда, Нодира акалари билан тонг отгунича кўчаларда ўзини ҳимоя қилиб юрган.

Матонат

1923 йили аскарлар уларнинг қишлоғига бостириб келиб, Нодиранинг акаларини шаҳид қилганлар. Икки азамат ўғлидан ажралганлиги, кундан-кунга тирикчилик қилиш оғирлашиб бораётганлиги, аҳвол мушкуллигидан Мулла Раҳматуллабой 1925 йилда оиласи билан шуролар разолатидан қутулиш мақсадида Афғонистонга йўл олади.

Саид Мансур Олимийнинг «Бухоро — Туркистоннинг бешиги» асарида гувоҳлик берилганидек, Афғонистонда Нодиршоҳ ҳукмронлиги даврида Туркистон муҳожирлари бошларидан жуда ёмон кунларни кечирганлар: хўрланганлар, уларнинг мол-мулклари айрим ерли афғонлар ва афғон кийимини кийиб олган шўро аскарлари томонидан тортиб олинган.

Ўша кезларда шундай кийинган икки навкар Мулла Раҳматуллабойнинг уйига кирганлар ва ўрисча сўзлаб ундан зеб-зийнат ва пул талаб қилганлар.

Нодиранинг ота-оналари қизларини ҳимоя этиш мақсадида Нодиранинг тўйига асраб қўйилган бир қанча пул ва олтинларни беришга мажбур бўлишган. Бу ҳолни Нодира бошқа хонада эшик ортидан кузатиб турган. Лекин улар яна кўпроқ пул, олтин талаб қилиб, Нодиранинг ота-оналарини қийнай бошлаган. Бошқа бойлик топилмагач, иккаласини ҳам ўлдирганлар ҳамда қотилларнинг бири пул, бойлик ахтариб хоналарни тинтув қила бошлаган, иккинчи аскар Нодирага тажовуз қилиш учун у турган хонага бостирib кирган.

Нодира акалари туҳфа қилган қилични олиб, тажовузкорнинг бошини кесиб ташлаган, ҳамда бошқа хонада бойлик қидираётган иккинчисини ҳам қиличдан ўтказган. Кўзи олдида қийнаб ўлдирилган ва мурдалари хор этилиб ерда ётган ота-онасининг қасди, хуни эди бу. Нодира ҳар куни ҳар ерда қайтарилаётган бундай мусибатларнинг кўпини кўрди. Буюк шоирнинг ушбу сатрлари худди шу даврнинг ифодаси эди:

Кўнглим каби йиқиқ уйлар, қишлоқлар,
Бойқушларга бузуқ кўксин очганми?
Ота-она, таниш-билиш, ўртоқлар
Юртни ташлаб, тоғ ва тошга қочганми?

Шундай катта бир ўлкада ёнмаган
Йиқилмаган, таланмаган уй йўқми?
Бир кўз йўқми қонли ёши томмаган
Бутун кўнгил умидсизми, синиқми?

(Чўлпон. ЁНҒИН).

Бу мудҳиш воқеадан кейин, Нодира кўп ўйлаган ва у: «Нечун мен бир хонанинг бурчагига кириб ўтиришим керак экан?! Мен шу атрофдаги опа-сингилларимга ёрдам беришим, уларнинг ҳаётларини мудофаа қилишим керак» — деган қарорга келган ва босқинчилар билан курашишга бел боғлаган.

Нодира ўша ердаги хотин-қизларнинг бошини қовуштиришга жазм қилган, уларга шундай деган:

«Бизнинг биродарларимизни ўлдирдилар, сингилларимиз ўз эрларидан жудо бўлдилар. Кўпгина сингилларимиз номусига тажовуз қилинди. Ҳозирги вақтда ҳеч ким ўз мол-мулкини якка ўзи ҳимоя қила олмайди. Опа-сингиллар, келингиз, қўрқишни унутайлик. Қўрқсак, ҳамма нарсани қўлимиздан бой берамиз. Кўпгина сингилларимиз ўқий оладилар. Улар китобларда ўқиганларки, бизларнинг тарихимизда хотин-қизларимиз ҳам душманга қарши катта-катта ишларни қилганлар. Мен душманга қарши мана шу қўлларим билан курашдим, уларнинг салоҳларини тортиб олдим.

Эй, ғам кўрган опа-сингилларим! Номусимизни ўзимиз ҳимоя қилайлик. Салоҳларни қўлларимизга олайлик. Қари ота-оналаримизни ўлдиришларига йўл қўймайлик. Бу муқаддас ишни амалда қилайлик!»

Юраги ёниб турган аёлларга Нодиранинг чақириғи оловдай таъсир этади. Улар уйларида хомуш ўтириб, кимлардандир эхсон кутмасдан, кичик гуруҳларга бирлашиб ўзларини, оилаларини ҳимоя қилишга, ватанларидан жудо қилган ёвуз душманга қарши курашга отланадилар.

Ҳар бир урушдаги ҳал қилувчи қурол аввало ўз халқи, Ватанига буюк ишонч, садоқат ва пок аҳлоқ саналади. Аёллар тажовузни ўзига касб этиб олган душман аскарлари билан курашиб, уларни йўқ қила бошлаганлар. Бундан хабар топиб, саросимага тушган ўша давр ҳукумати ҳар бир кўчага ўз айғоқчиларини қўйишни режалаштирган, ватанпарварлар учун хатарли кунлар бошланган.

Айни шу пайтда Нодира миллий озодлик ҳаракатининг намояндаси, Иброҳимбекдан хабар топади. Иброҳимбек ўша чоғда ўз аскарлари ва бошқа хайрихоҳлар билан биргаликда Таҳор вилоятининг марказини Толиқонда вақтинча турган эди.

Нодира душманга қарши курашаётган аёлларга қарата, «Биз энди бу ерда тирикчилик қила олмаймиз. Эҳтиётлик билан бу ердан чиқиб, Иброҳимбек аскарларига қўшилайлик», деб хитоб қилади. Нодира бошлиқ ўзбек, туркман, тожик ва бошқа аёллар генерал Иброҳимбек турган ерга борадилар ва ўз қўлларига тушган душман аскарларидан тортиб олинган тўп, маузер, милтиқларни Иброҳимбекка туҳфа қиладилар ҳамда ўзлари ҳам шу лашкар сафига кирадилар. Иброҳимбек Нодирани «Сиз менинг қизимсиз, мен сизнинг отангизман» деб қабул қилади.

Нодира шарқнинг кўпгина аёллари каби бошига тушган кулфат сабабли йиғи билан ўзини овутмаган. Балки бу гўзал, ғайратли қиз ўзини овутиш йўли сифатида курашни танлаган ва дугоналарини ҳам душманга қарши отлантирган.

Гувоҳлик берishларича, бир куни Иброҳимбек Нодирага шундай савол берган:

«Нодира қизим, аскар нима мақсадда олдинга интилади?» Бунинг маъниси нимада? Шунда Нодира:

«Менимча одамнинг имони ва умиди бўлса, у олдинга интилади.

Бу ҳақда мен китобларда ҳам ўқиганман. Орқага қочиш, чекиниш бу — умидсизликдан ва қучсизликдандир», деб жавоб қайтарган.

Матонатли қиздан бундай жавобни эшитган қўмондон Иброҳимбек белидаги тўппончасини ечиб, Нодирага туҳфа қилади ва «Қизим, буни энди сиз тақинг. Бу сизга ярашади» — дейди.

Иброҳимбекнинг асирга олиниши ҳақида турли маълумотлар мавжуд.

Иброҳимбек 1930 йил декабр ойида Амударёни кечиб, ўз юртимиз томонига ўтади ҳамда 1931 йил июн ойигача шўроларга қарши олиб борилган қонли жангларда қатнашади. Йигитларга ўхшаб кийиниб олган Нодира ҳам Иброҳимбек билан бирга бўлади.

1931 йил 23 июн куни қўлга туширилган Иброҳимбек 28 июнда биринчи марта сўроқ қилинади ҳамда 1932 йил 31 август куни 43 ёшида шўроларнинг махсус гуруҳи томонидан қатл этилади. Туркистон ўзининг машҳур ўғлонини қўлидан бой беради.

Иброҳимбек шўролар томонидан беришга қамалгач, Афғонистондаги унинг оила аъзолари ҳам таъқиб этилади. Унинг умр йўлдоши афғон маъмурияти томонидан «Қалаи хумдон» номли қамоқхонага ташланади.

Ватан ҳуррияти учун курашга бел боғлаган Нодира қизнинг Иброҳимбек билан бирга Амударёни кечиб ўтганидан кейинги тақдири ҳақидаги маълумотлар ҳозиргача маълум эмас. Нодира шиддатли жангларда шаҳид бўлганми ёки шуро аскарлари қўлига тушганми, бу ҳақда тарих шу кунларгача сукут сақлаб келяпти. Халқ барҳаёт, юрт омон экан, Ватан қаҳрамонлари — Нодира Раҳматулла қизига ўхшаш фидойилар доим барҳаётдир. Буюк шоир Чўлпон башорат қилганларидек:

Йўқ... ўлим йўқдир!
Ёлғиз бир ўчиб, бир сўниш бордир.
Бир ўчиб, сўниб... яна ёниш бор.
Яна баҳорлар,
Яна лолалар,
Яна сиз, эй эркин тилаклар!..

Хайрулло ИСМАТУЛЛА
Индиана университетининг Марказий Ёвро-Осиё тадқиқотлари бўлими профессори

Мусаввир ва тасаввур

МОНИЙ ШИВИРЛАГАН СУВРАТЛАР...

Бу йил Камолиддин Беҳзод таваллудига 545 йил тўлади

Камолиддин Беҳзод салкам юз йиллик умрини, юксак истеъдоди, қалб борлиғини тасвирий санъатга бағишлаган, «Монийи соний» (иккинчи Моний) номи билан жаҳонга машҳур бўлган буюк мусаввир эди. У миниатюра санъатида ўзи кашф қилган бир-бирига уйғун қоидалар, тафаккур ва ҳиссиётни бир нуқтага жамлаш ва композицион ички ечимнинг муносиблиги асосида ижод қилиб, ўз асарларида чексиз туйғулар уммонини гўё бир қалқишда юзага чиқарган каби ифода эта олди.

Оддий оила фарзанди, ўз талантининг шу даражада беқиёс эканлигини эҳтимол, ҳатто хаёлига ҳам келтирмаган камсуқум ва камтар бу жаҳоншумул иқтидор соҳибида камданкам учрайдиган соддалик ва гениалликнинг бир инсон шахсиятида уйғунлашуви мавжуд эди. Алишер Навоий унинг ҳужраси (устахонаси)да ижод намуналарини кўргач, илоҳий талант қирраларини сезиб, мусаввирнинг келажагини улуғлик ила ҳис қилиб ундан кўмагини аямаган эди. Ёш, иқтидорли талант соҳибига барча шароитларни яратиб берган Навоийнинг шеърияти Беҳзод ижодига илҳом, юксаклик бағишлади.

Интеллекти, умуман табиати кучли одамлар ҳар қандай чегара, чекланишлардан чиқиб, илҳом қудрати ила ўз иқтидорини намойиш этади.

Бизнингча, Камолиддин Беҳзод ижоди санъатдаги бепоёнликни табиий тартиб-қонунларга ҳарорат ила ранглар нафосатида жамлаш, уни чизиқлар тартибига сингдириб, улуғ тасвир поёнига олиб чиққанлиги билан эътиборлидир. Тасвирлар инсон қўли билан яратилганлигига, унинг ички интуитив салоҳияти билан нақшланганига баъзан кишининг ишонгиси келмайди, гўё илоҳий, самовий кучлар, сайқал бергандай туюлади. Илҳом чексизликлари, завқ олами чулғайди. Дунё тасвирий санъати тарихига назар солсак, канондан чиқиш— қонун-қоидадан чекиниш ва яна канонга қайтиш пешма-пеш давом этганлигини кўрамиз, бу худди спиралэгилувчан чизиқ тартибини эслатади. Аслида инсон табиати, ички дунёси, воқелик, борлиқни қабул қилиш хусусияти шундай эмасми? Илҳом тўла кўнгилда эркинлик, беғуборлик ва юксак ҳистуйғуни хоҳлаган кўринишда, ҳолатда ифода этиш иштиёқи ортади. Канонлар — тартиб-қоидалар унга йўл бермаётгандай, сиқиқ ҳолга келтираётгандай, рангларни яратишга қўймаётгандай бўлади. Қалб уммонидаги тўлқинланишларни тасвирда жонлантириш, ҳадсиз борлиғини борича тўкиб солиш истаги туғилади.

Ижодий силжиш, дилда илҳом ҳаракати, янги рангин уфқларни эгаллаш томон интилиш, тинимсиз кўтарилиш, янгиланиш жараёни давом этади. Беҳзод қаламидан жаҳон тасвирий санъати ана шундай улуғ бир янгиланишга кирган эди.

Абдували ЭГАМБЕРДИЕВ,
Санъатшунослик илмий-тадқиқот институтининг «Тасвирий санъат» бўлими мудири

Баҳс давом этади!

КИМ ҚОШУ КИМ КЎЗ?!

Журналист Шавкат Жайроннинг газетамизнинг шу йил 8 феврал сонида эълон қилинган «Булутсиз осмондан кутилган ёмғир» сарлавҳали мақоласи унда кўтарилган муаммоларни ечишга ундайдиган баҳс-мунозараларга сабаб бўлаётир. Таҳририятимизга шу мавзуга доир мактублар келиб турибди. Ўзбекистон Миллий университети журналистика факултетидаги ўқиш-ўқитиш шароитлари ҳақида, хусусан, Шавкат Жайроннинг мазкур мақоласига муносабат билдириб шу факултет I курс талабалари номидан ёзилган Д. Полвонов ва Ф. Кувоновларнинг «Булутсиз осмондан ёмғир кутиб бўладими?» ҳамда Паҳлавон Маҳмудовнинг «Қош қўяман деб...» сарлавҳали чиқишлари «МТ»нинг шу йил 21 март сонида берилган эди. Эътиборингизга ҳавола этилаётган қуйидаги мақола эса мазкур факултет жамоаси номидан Р. Абдусатторов, Қ. Ирназаров, Н. Гаффоровлар (шахсий имзолари билан) томонидан ёзилган.

Сирасини айтганда, аввало жамоа номидан дейилган, қолаверса, учта муаллиф имзо чеккан бу мақоланинг худди ягона муаллифга тегишлидай ёзилганлигидан («хулосага келдим», «менимча» ва ҳоказо жумлалар), унда кўплаб хатоликлар, ўринсиз такрорлар мавжудлигидан ўйга толдик. Лекин ҳар ҳолда «Кечагина факултетни битириб, бугун устозларига ақл ўргатиш ҳар қандай «жонкуяр»нинг қўлидан келади» жумласини ўқиб, мақолани таҳрир қилиш — унга қалам теккизиш устозларга «ақл ўргатиш» бўлиб туюлмасмикин, деган истиҳолага бордик. Ахир бу сўзларни «тўртинчи ҳокимият»га мутахассис-журналистларни етказиб берувчи олий ўқув даргоҳининг етакчилари битишган. Ўзбекистон Миллий университети журналистика факултети жамоаси номидан келган «Ким қошу ким кўз?» сарлавҳали ушбу мақолани қандай бўлса шундай, таъбир жоиз бўлса, «қошу кўзи» билан эълон қилмоқдамизки, уни ўқиб, умуман, маълум хулосага келмоқ азиз муштарийларимиз, юртимиз зиёлиларига ҳамда таълим соҳасидаги мутасадди кишиларга ҳавола.

«Миллий тикланиш» газетасининг 2000 йил 21 март сонида чоп этилган Паҳлавон Маҳмудовнинг «Қош қўяман деб...» мақоласини ўқиб, янгланиш ўз-ўзидан бўлмас экан, деган хулосага келдим.

Муаллиф мақоласини ...шу соҳани қалбдан севган, таъбир жоиз бўлса, қалбида, фикратида журналист шахси яшаётган иқтидорли ижодкорнинг жонкуярлиги, ўз касбига муҳаббатининг ифодаси деб билдим. Зеро, бугун соҳани кўтариш учун нималар тўсиқ бўлаётганини излашга, ечим топишга интилувчи фидойилар керак» сатрлари билан бошлайди. Фикри ожизимча, Паҳлавон Маҳмудов «иқтидорли ижодкор» деганда Шавкат Жайронни назарда тутяпти. Хўш, Шавкат Жайрон шунчалик иқтидор эгаси, жонкуяр бўлса, у журналистиканинг қай бир жабҳасини қойиллатиб ўз мақолаларида очиб бера олди? Аслида, у ўқиш-ўқитиш шароитию техник воситалари тўғрисида дурустроқ тасаввурга эгами? Кечагина факультетни битириб, бугун устозларига ақл ўргатиш ҳар қандай «жонкуяр»нинг қўлидан келади. Бу масаланинг бир жиҳати.

Иккинчиси шуки, биз қарийб етмиш йил қандайдир тўсиқларни излаб, уларнинг ечимини топишга зўр бериб ҳаракат қилдик. Бугунги кун шиддати, фикри, дунёқараши излашни эмас, ишлашни талаб этаяпти.

Муаллиф тўғри уқтирганидек, журналистика факультети ярим аср давомида ОАВга малакали журналистлар тайёрлаган (улар ичида малакасизи ҳам бор) Аммо «...профессор ўқитувчилар томонидан муайян талабаларга жавоб берадиган ўқув қўлланмалари, дарсликлар, монографиялар тайёрланиб келинди» фикри унча ҳам тўғри эмас. Чунки 50 йил давомида фундаментал, журналистика назарияси фанлари бўйича битта ҳам дарслик тайёрланмаган.

Аттестация пайтида профессор ўқитувчиларнинг чоп этилган илмий, ижодий ишлари, маъруза матнлари ва дастурлари баробарида саводхонлик даражаси ҳам текширилди. Агар Ўзбекистонда ягона бўлган журналистика факультетининг ўқитувчиси оддий иншода 20 тача хато қилса, ҳаттоки, «Президент» сўзини тўғри ёзолмаса, ундай муаллим ўқитган талабанинг даражаси қандай бўлади? Албатта, бундай ўқитувчиларга иншо ёзиш малол келади-да! Аттестация жараёнида муаллиф ёзганидек, «тажрибали, билимдон» ўқитувчиларга эмас, текширишдан ўтолмаган 6 нафар муаллимга жавоб берилди, холос.

Менимча, мақола муаллифига баъзи бир «содиқ» дўстлари нотўғри маълумот етказишибди. Чунки сиртқи бўлимда мақолада ёзилганидек, тўққизта фан эмас, 3 та фандан дарс ўтилмаган ва улар иккинчи семестрга кўчирилди. Энг муҳими, бу фанларнинг биронтаси ҳам аттестациядан ўтмаган ўқитувчилар билан бойлиқ эмас, яъни улар ўтадиган фанлар сирасига кирмайди. Теле ва радио кафедрасида профессорлар штатда ўтадиган фанлар сирасига кирмайди. Теле ва радио кафедрасида профессорлар штатда ишламаса ҳам (журналистика назарияси бўйича Ўзбекистонда бор-йўғи иккита профессор бор, магистрларга профессор ва доцентлар таълим берди.

Факултетнинг янги тузилмаси жаҳон андозаларига тўлиқ ўхшамаса-да, секин-аста ўшанга яқинлашаяпти. Аудитория машғулотларини камайтириш масаласига келсак, бу айнан ривожланган мамлакатлар университетларининг андозасидир. Давлат стандарти ва ўқув режаси факултет раҳбарияти томонидан «пала-партиш» ўзгартирилган эмас, аксинча, Америка, Германия ва Малайзия олий ўқув юртлари тажрибаси асосида тайёрланган. Кафедра мудирларининг тўрттасидан учтаси тўлиқ ставкада ишламаслиги рост. Аммо масалага биргина шу билан ҳулоса ясаб бўлмайди. Матбуот кафедраси мудири, Республикадаги кўзга кўринган газетанинг бош муҳаррири, «Журналистларни қўллаб-қувватлаш» жамғармасининг ҳамраиси. Илмий даража ва унвонга эга бўлмаса ҳам бу инсонда ўткир қалам, бой тафаккур, илмий саводхонлик мавжуд. Кези келганда бир ҳақиқатни айтиш керакки, айнан шу ўтказилган аттестация илмий даража ёки унвон афсуски доимо ҳам саводхонликка кафолат бўлолмаслигини яққол кўрсатди.

Телекўрсатув ва радиоэшиттиришлар кафедрасига мудирлик қилаётган Фарҳод Рўзиевнинг иқтисод фанлари номзоди экани Паҳлавон Маҳмудов томонидан зикр этиладию, негадир айни шу иқтисодчи олимнинг Ўзбекистон Миллий телерадиокомпанияси раиси биринчи ўринбосари бўлгани ҳақида лом-лим дейилмайди.

Мақолада кўрмай, далилга эга бўлмаган ҳолда келтирилган бошқа фикрлар ҳам бор. Аммо унга жавоб беришга ҳожат йўқ деб ҳисоблаймиз.

Аттестацияда ўн беш ўқитувчидан олтитасига жавоб берилди. Буни муаллиф айтган «янгисини қурмай эскисини бузишга қиёслаш»га ҳеч ҳам даҳли йўқ. Аксинча, янгича фикр, янгича тафаккурга эга бўлган ёш, иқтидорли ёшлар билан собиқадамликда мушкулотларни аста-секин енгишдир.

ФАКУЛЬТЕТ ЖАМОАСИ НОМИДАН:
Рамзиддин АБДУСАТТОРОВ,
Кудрат ИРНАЗАРОВ,
Нодир ҒАФФОРОВ

Тикланиш одамлари

«ТОНГ ИЙСИГА ЎХШАЙСИЗЛАР...»

Элликқалъа туманидаги Бўстон агротадбиркорлик коллежидан лавҳа

— Тонгнинг ийси барибир бошқача-да, — энтикиб кетди Дуйсен оға. Одатига кўра ҳовлида ўтириб кечаги кунни таҳлил қилди. Талабалар билан йиғилиш ўтказганди. Уларга «Болаларим, сизлар тонгнинг ийсига ўхшайсизлар» деса қиқир-қиқир кулишди. «Ишонмайсизларми, — жилмайди директор. — Унда эртага ҳамма тонгги ҳаводан симириб-симириб нафас олсин, нимани ҳис қилганларингизни бир-бир айтиб берасизлар». Кейин жиддий туриб:

— Шунда болалик, ўсмирлик нақадар покиза фасл эканлигини тушуниб оласизлар. Умрнинг беғубор лаҳзаларини беҳуда ўтказмасликка, уни орзулар билан безашга интиласизлар. Илм-маърифатга иштиёқингиз ортади, Ватанни англайсизлар, — деди. Бу галги баҳсга тўла суҳбатдан ҳам талабаларнинг кўнгиллари ўсиб чиқди. «Ёшларнинг фикри уйғоқ, — ўйлади Дуйсен оға. — Уларнинг бу фикр-қарашларини тўғри йўналтиришга, билимларини замонга муносиб ривожлантиришга бизнинг кучимиз етадими? — Ҳамма гап шунда! Директор талабаларнинг ўқитувчилар ҳақидаги мулоҳазаларини ҳам тез-тез сўраб туради, муаллимларни ҳам синовдан ўтказиб боради. Бу даргоҳда таълим берувчилар турли олийгоҳларда малакаларини ошириб келиш билан чекланиб қолмасдан, янги адабиётларни, жараёнларни ўрганиб, ўзлаштириб борадилар.

Етарли билим беришда замонавий жиҳозларнинг, китобларнинг ўрни катта. Дарсхоналар компютерлаштирилмоқда. Мазкур ўқув йилининг ўзида 1300 га яқин янги китоб сотиб олинди.

Аслида Бўстон агротадбиркорлик коллежи 1979 йили «Ўзбекистон 50 йиллиги» совхоз-техникуми сифатида фаолият бошлади. Дастлаб бу даргоҳда 60 талаба таҳсил олган бўлса, айни пайтда 540 дан ортиқ ёшлар ҳуқуқшунослик, солиқ ва солиққа тортиш, молия ва кредит, бухгалтериқтисодчи, тижоратчи, менежер, фермериқтисодчи, мева ва сабзавотларни сақлаш ва қайта ишлаш технологияси бўлимларида ўзлари танлаган мутахассислик сирларини ўрганмоқдалар.

Талабалар коллежда билим олиш билан бирга бўш вақтларида меҳнатга ҳам жалб қилинадилар.

— Талабаларимиз аксарияти қишлоқ ёшлари, мутахассисликлари ҳам қишлоқ хўжалигига йўналтирилган. Шу боис коллежимиз ёнида «Барака» ёрдамчи хўжалиги ташкил қилганмиз. Болаларимиз серфайз боғлар ташкил қилишди, ҳар йили деҳқончиликдан ҳам мўл ҳосил оламиз. Мана шу қоракўзларнинг меҳнати туфайли олдинги йилги «Жайҳун» журналининг Элликқалъа туманига бағишланган сонига ҳомийлик қилдик. Бундан қувонмай бўладими, — дейди Дуйсен Соипов тўлқинланиб.

Ўн йиллардан буён мазкур ўқув даргоҳига раҳбарлик қили келаётган Дуйсен оғанинг холис ниятлари кўп. Қани, ҳар бир талабанинг ўз компютери бўлса, ҳар хонада китоб жавонлари ташкил қилишса, ҳунар ўргатувчи тўгаракларни кўпайтиришса... Алалхусус, Бўстон агротадбиркорлик коллежини тамомлаган мутахассис билимли, ардоқли, замон ва давлат учун керакли бўлса...

Муҳаббат ТЎРАБОЕВА,
Қорақалпоғистон

Ажаб дунё

ФУТБОЛЧИГА ОЛТИН ҲАЙКАЛ

Таиландда «Манчестер юнайтед» клубининг ярим ҳимоячиси Девид Бекхемга 30 сантиметрлик олтин ҳайкалча ясаб, уни пойтахтдаги Паривас ибодатхонасига қўйишди. Ҳозир Бекхемнинг олтин ҳайкалчаси улуғвор Будда ҳайкали ёнида турибди. «Футбол Таиландда чинакам динга айланиб кетди, — дейди ибодатхона монахи Чуан Тхирапуни. — Шунинг учун биз замонавий ақлимизни очишга қарор қилдик ва одамларимизнинг футбол уйинчисига билдираётган эҳтиромига шерик бўлдик».

СОҚОЛНИНГ МУВАФФАҚИЯТИ

Литвалик Антанас Контримаснинг соқоли бугун 32 сантиметрга етди. Бултур Антанас шу соқолида оғирлиги 41 килограмм бўлган пиво бочкасини кўтарган эди. Кейин унинг ишқивозлари кўпайиб кетишди. Антанаснинг соқолида Литва ТВ диктори ҳам бир пас осилиб турди. Булар ҳам етмагандай Контримас аэропортда «ЯК-20» самолётни соқолига боғлаб уни 3 метрга судраб борди. У ҳозир денгиз кемасини соҳилда тортиб боришни мақ қилаётир. Контримас яқинда барча дўстларига соқол қўйганлигининг 25 йиллигини байрам қилиб берди. Пиволар дарё бўлиб оқди.

НИҲОЯТ ЧЕКИШНИ ТАШЛАДИ

Австралиялик Фертак деган кишининг чекиш ниҳоятда жонига тегди. У нима қилишини билмай юрарди, ўйлаб-ўйлаб ниҳоят йўлини топди. Машинасига сув ва кўп вақтга етадиган озиқ-овқатлар ортди-да, ҳеч кимга айтмай Сиднейдан узоқдаги саҳрога йўл олди. Фертакнинг ғойиб бўлганидан ташвишга тушган яқинлари полицияга хабар қилдилар. Полиция қидира-қидира жаноб Фертакни тўрт ой деганда топди. Яқинлари Фертакнинг бу худбинона қилиғидан қаттиқ хафа бўлишди. Лекин Фертак мақсадига етди. Чекиш балосидан қутулди.

Ўтмишни ўрганиш

КАБУТАРЛАР ҚЎЙГАН ИСМ

Шайхонтоҳур қадимги Чоч (Тошкент) шаҳрининг йирик марказий даҳаларидан бири бўлган. Ҳозир ҳам у пойтахтимизнинг энг гавжум, аҳолиси зич жойлашган туманларидан саналади. Шайхонтоҳурнинг асли тўла номи Шайх Ҳованд Таҳурдир.

Шайх Ҳованд Таҳур тарихий шахс бўлиб, унинг туғилган йили ҳақида аниқ маълумотлар йўқ, лекин XIII аср охирида таваллуд топган деб тахмин қилинади. Унинг отаси Шайх Умар Боғистоний Тошкент вилоятидаги Бўстонлиқ туманининг Боғистон қишлоғида яшаган, ул зот ўз замонасининг етук зиёлиси, айниқса, тасаввуф илмининг зукко билимдони эди. «Намотот мин нафаҳот ал-қудс» номли асарда ривоят қилинишича, Шайх Умар Боғистоний кўп йиллар фарзандсизлик доғида ўртанади, кунлардан бир кун ўз завжайи муҳтарамалари билан бирга Имом Абу Бакр Муҳаммад Каффол Шоший (халқ тилида Хастимом ёхуд ҳазрати Имом)нинг мақбарасига келишиб, Оллоҳ таолодан фарзанд ато этишни тилаб илтижо қиладилар. Шундан сўнг кўп ўтмай, улар фарзанд кўришган. Шайх Умар Боғистоний чақалоқни олиб Имом Абу Бакр Муҳаммад Каффол Шошийнинг мақбараларига зиёратга келади. Мақбарага яқинлашганида мақбара томига қўниб турган бир гала каптарлар баробарига юқорига кўтарилади. Уларнинг қанот қоқиб учишидан «Аттаҳур» деган овоз садоси эшитилади. Шайх Умар Боғистоний бу овозни айни вақтда башорат деб билиб, фарзандига Ҳованд Таҳур деб исм қўяди. Ҳованд Таҳур —«пок шайх» деганидир. Шайх Умар Боғистонийнинг аждодоари насабномасига қараганда ўн олти ота-бобо билан чорёрларнинг иккинчиси Ҳазрат Умар ибн Ҳаттобга бориб тақалар экан.

«Рашаҳот айн ал-ҳаёт» асарида ёзилишича, шайх Ҳованд Таҳур тасаввуф илмида тенгсиз бўлиши билан бирга назмда ҳам қалам тебратган. Айтадиларки, ул зот кийиб юрган кулоҳи каромatли бўлган экан, уни ният қилиб кийган бемор бош оғригидан қутулган, ҳомиладор аёлларнинг кўз ёриши енгиллашган, қабри устидан усиб чиққан дарахт соясида ўтирган ҳар қандай бемор барча дардлардан халос бўлар экан. (Ҳозир ҳам бу дарахт мақбара ичида усиб турибди).

Шайх Ҳованд Таҳур 1355 йили вафот этиб, ҳозирги Шайхонтоҳур мақбараси ўрнашган жойга дафн этилган. Шайхнинг мурид ва мухлислари томонидан ул зотнинг инсоний фазилатлари ва карометлари эл орасида кенг тарқалиб, табаррук қабрни муқаддас зиёратгоҳга айланади. Кейинчалик Шайх Ҳованд Таҳурнинг мақбараси ёнига шаҳар аҳлининг нуфузли намояндаларини дафн этиш одат тусига кирган, чунки мазкур қабристондан ўрин олган марҳум ва марҳумалар эъзозлана боради.

XV асрнинг иккинчи ярмида Хўжа Аҳрор Валий Шайх Ҳованд Таҳур қабри устига мақбара қурдиради. Шайх Ҳованд Таҳур Хўжа Аҳрор Валийнинг волидаси муҳтарамасининг амакиси эди. Аммо мазкур мақбара замонлар ўтиши билан нураган ва бизгача етиб келмаган. Ҳозирги мақбара эса аввалгисининг тарҳини сақлаган ҳолда XIX асрда қайтадан тикланган.

Ва бугунги кунда ҳам бу қадамжо кишилар қалбида улуғ аждодларимизга бўлган эъзоз, юртга муҳаббат туйғуларини уйғотувчи муқаддас тарихий зиёратгоҳга айланган.

Илҳом ШЕРМУҲАММАД

Газетанинг ушбу сони Имом Бухорий номидаги халқаро жамғарма ҳомийлигида чоп этилди.

Миллий Тикланиш
Муассис: Миллий тикланиш демократик партияси

Бош муҳаррир: Иброҳим ҒАФУРОВ

ТАҲРИР ҲАЙЪАТИ:
Ўткир ҲОШИМОВ, Иброҳим АБДУҒАНИЕВ, Муқимжон ҚИРҒИЗБОЕВ, Рустам ЖУМАЕВ, Ойдин ҲОЖИЕВА, Хуршид ДЎСТМУҲАММАД, Гуландом БОҚИЕВА, Дилором МАТКАРИМОВА (Бош муҳаррир ўринбосари), Шавкат АЛЛАНАЗАРОВ (масъул котиб), Холли НОРБОЙ, Наврўз ЖЎРАЕВ (иқтисодий ишлар бўйича масъул)

Газета 00136-рақам билан рўйхатдан ўтган
Буюртма: Г — 736.
Сотувда нархи эркин.
Ҳажми 2 босма табоқ.
Саҳифаловчи: Бахтиёр ҚЎШОҚОВ.
Газета IBM компютерида терилди ва саҳифаланди.
Босишга топшириш вақти 20.00
Босишга топширилди 20.00

Манзилимиз: Тошкент-83, Матбуотчилар кўчаси — 32.
Телефон 133-50-18.
«Шарқ» нашриёт-матбаа консерни босмахонаси.
Манзили: Тошкент шаҳри, Буюк Турон кўчаси, 41-уй

Навбатчи — Шерали НИШОНОВ.